VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

3 (12) 2009 йил 14 январь, чоршанба • Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси e-mail: milliyt@sarkor.uz



Замонавий таълим тизими

Олдиндан айтиш жоизки, мустақиллик даврида мамлакатимизда жаҳон андозаларига мос замонавий таълим тизими шаклланди. Мамлакатимиз улкан ривожланиш босқичини қисқа муддат ичида босиб ўтди.

4-бет



Яшараётган кўҳна замин

Урганч — Хоразм вилоятининг маркази. У қадимда Гурганж деб аталган. Амударёнинг қуйи қисмида жойлашган шаҳарнинг умумий майдони 28,7 кв.км.ни ташкил қилади. Аҳолиси 140 минг нафардан иборат.

5-бет



"Эдем боғи"

Дунёдаги энг йирик оранжерея — "Эдем боғи" Англиянинг жанубий қисми — Атлантика океанида жойлашган Корнуолл графлиги таркибига киради.

7-бет

МТ БУГУНГИ СОНДА:

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ВА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ 2-бет

Ватан ҳимояси - муқаддас бурч

Аёлни эъзозлаган юрт

Фаолиятимиз ва мақсадларимиз муштарак

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ 3-бет

Тинчлик ва осойишталикнинг ишончли қалқони

"Балли, йигитлар!"

ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ 4-бет

Халқнинг суянчи ва таянчи

Шифо масканининг янги қиёфаси

МАЪНАВИЯТ 6-бет

Навоий ва шаҳзода Бадиуззамон

Атамалар – сочилиб ётган тарих

Санъат ва спорт фидойилари

Йўллар равон, манзил яқин

ХАЛҚАРО ҲАЁТ 7-бет

Конституциясиз Иттифоқ

Дунёдан дараклар

МАДАНИЯТ ВА СПОРТ 8-бет

Кичик қўрғон

Тилла боланинг "қайтиши"

Турфа олам

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 17 йиллик байрамига бағишланган мурожаати

Қадрли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари!

Авваламбор, мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана – Ватан ҳимоячилари куни, Қуролли Кучларимиз ташкил топганининг 17 йиллиги билан сизларни, барча юртдошларимизни чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир бўлган, ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган миллий армиямизни барпо этиш бўйича кўлами ва моҳиятига кўра ҳақиқатан ҳам улкан ишлар тизимли равишда ва босқичма-босқич амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш керак.

Армияни ислоҳ қилишнинг ҳар томонлама пухта ўйланган дастурига мувофиқ, мамлакатимиз хавфсизлигига қарши қаратилган ташқи ва ички таҳдид ва хатарларни чуқур ўрганиш асосида Қуролли Кучларни қуриш ва бошқаришнинг мутлақо янги тизими шакллантирилди. Ҳарбий округлар, чегара ҳудудларининг тузилиши, ҳарбий операциялар олиб бориладиган энг муҳим йўналишларда жанговар қўшин гуруҳларининг ташкил этилиши, ўз таркибида энг муҳим ҳарбий тузилмаларни бирлаштирган Қуролли Кучлар Бирлашган штабининг шакллантирилиши мамлакатимизда ягона мақсад ва вазифалар негизида узвий боғланган ишончли мудофаа тизимини яратиш имконини берди.

Қуролли Кучларимиз сафини тўлдириш тартиби изчил ва босқичма-босқич такомиллаштирилди. Муддатли ҳарбий хизмат бир йилгача қисқартирилди, сафарбарлик-чақирув резерв хизмати жорий этилди, шартнома асосида хизмат қилишга ўтиш деярли якунланди, жорий йилдан бошлаб муддатли ҳарбий хизматга чақирув бир йилда бир марта амалга ошириладиган бўлди. Бундай чора-тадбирларнинг барчаси Қуролли Кучларимизнинг жанговар куч ва имкониятларини сезиларли даражада ошириб, бутун армиямизнинг қиёфасини тубдан ўзгартирди. Энг муҳими, аҳолимиз, биринчи навбатда ёшларимиз ўртасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори юксак даражага кўтарилди, армияда хизмат қилиш том маънода шон-шараф ишига айланди.

Шу йиллар мобайнида сержант ва офицер кадрларни профессионал асосда тайёрлаш тизимини такомиллаштириш борасида кўп ишлар қилинди. Бугунги кунда сержантларнинг қарийб учдан икки қисми замонавий ўқув базасига эга бўлган, салоҳияти тобора ортиб бораётган сержантлар тайёрлаш мактабларида таълим олганини қайд этиш лозим. Қуролли Кучларимизда хизмат қилаётган сержантларимиз шахсий таркибининг юксак жанговар ва сиёсий тайёргарлигини таъминлаш, ҳарбий қисм ва бўлинмаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни, ҳарбий тартиб-интизомни сақлашнинг чиндан ҳам муҳим омилига, мухтасар айтганда, армиямизнинг асосий ўзагига айланди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Айниқса, армияни қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш, қўшинларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари учун ижтимоий-маиший шароитларни яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, биргина 2008 йилнинг ўзида ҳарбий хизматчиларнинг иш ҳақи ўртача 51 фоизга оширилди. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ёшлар учун ишга жойлашиш ва олий ўқув юртларига ўқишга кириш бўйича қатор имтиёзлар тизими белгиланди. Ҳозирги кунда мамлакатимиз олий ўқув юртларида армия сафларида мардлик ва жасорат мактабини ўтаган, жанговар ҳамда сиёсий тайёргарликда юксак натижаларга эришган 22 минг нафардан зиёд ёшларимиз таълим олмоқда.

Юқорида зикр этилган фикрларни умумлаштирган ҳолда, миллий мудофаани барпо этиш соҳасидаги чуқур тизимли ўзгаришлар натижасида армиямизнинг жанговар ва сиёсий тайёргарлик даражаси ва қудрати сезиларли равишда ошди, жамиятимизда, давлатимизда ҳарбий хизматнинг нуфузи, Қуролли Кучларнинг ўрни ва аҳамияти янада янги босқичга кўтарилди, деб таъкидлаш учун бугун барча асосларимиз бор.

Ҳарбий қурилиш соҳасида жаҳондаги энг замонавий тажрибаларни ўзида мужассам этган ва айни вақтда миллий анъаналарни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келаётган армиямиз она Ватан хавфсизлиги, халқимизнинг тинч меҳнати ва осойишта ҳаётини, мамлакатимизнинг демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан изчил тараққий этишини таъминлашнинг ишончли кафолатига айланди.

Азиз юртдошларим!

Марказий Осиё минтақасидаги ҳарбий-сиёсий вазият Афғонистонда 30 йилдан буён давом этиб келаётган уруш, террорчилик ва экстремистик ҳаракатларнинг сўнгги пайтда фаоллашгани, наркоагрессиянинг кўлами тобора кенгайиб бораётгани сабабли ҳамон кескинлигича қолаётгани, ўйлайманки, ҳеч кимга сир эмас.

Дунёнинг турли минтақаларида давом этаётган маҳаллий урушлар, ҳарбий қарама-қаршилик ва можаролар, террорчилик хуружлари халқаро хавфсизликка таҳдид солмоқда.

Буларнинг барчаси ва биринчи навбатда мамлакатни модернизация қилиш, демократик янгилаш бўйича биз танлаган стратегия армиямизни ислоҳ қилишни изчил давом эттириш, уни замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш, қўшинларнинг жанговар ва сиёсий тайёргарлиги самарадорлигини ошириш, бир сўз билан айтганда, Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва куч-қудратини юксалтиришга эътиборни янада кучайтиришни тақозо этади.

Шу борада қуйидаги вазифаларни амалга ошириш энг муҳим аҳамият касб этади:

Биринчидан. Мамлакатимиз хавфсизлигига қарши қаратилган реал таҳдидлар, юзага келиш эҳтимоли бўлган ҳарбий ҳаракатлар майдонининг ўзига хос хусусиятларини чуқур баҳолаш, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг ҳарбий қурилиш борасидаги тажрибасини ўрганиш асосида армиямизнинг қурилиши ва жанговар таркибини, қўшинларнинг бошқарув тизимини янада такомиллаштиришни таъминлаш зарур.

Ҳозирги пайтдаги урушлар ва ҳарбий можаролар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда Қуролли Кучлар аввало тез ва шиддатли тарзда кечадиган маҳаллий жанговар операцияларни амалга оширишга қодир бўлиши, мамлакат иқтисодиётига, муҳим ҳаётий таъминот объектлари ва коммуникацияларга, бегуноҳ одамларнинг ҳаёти ва саломатлигига жиддий зарар етказишга қаратилган қуролли ҳаракатларни содир этишда ҳар қандай бешафқат усул ва шаклларни ишга солишдан қайтмайдиган, яхши қуролланган ноқонуний жангари тўдалар ва қўпорувчи-террорчи гуруҳларга қарши самарали курашишга тайёр туриши даркор.

(Давоми 3-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизнинг мудофаа салоҳиятини янада юксалтириш, ёшларни миллий ғоя ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун фахрий унвон берилсин:

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими"

Губанов Виктор Михайлович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Мамлакатимиз сарҳадлари дахлсизлигини ва миллий хавфсизликни таъминлаш, халқимизнинг осойишталигини муҳофаза этиш ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик ва фидойилик намунасини кўрсатгани, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдаги жасорати, юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

"Фидокорона хизматлари учун" ордени билан

Аҳмедов Бахтиёр Қосимович - Ўзбекистон Республикаси Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари бригадаси командири

Ҳайдаров Аброр - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий техника билим юрти ўқув бўлимининг бошлиғи

"Меҳнат шуҳрати" ордени билан

Алламуродов Сайфидин Бердишович - Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Андижон вилояти божхона бошқармаси бошлиғи

Жўрабеков Умарбек Сотиволдиевич - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий техника билим юрти кафедрасининг бошлиғи

(Давоми 4-бетда)

Элу юртимизнинг мустаҳкам қалқони

Хусниддин БЕРДИЕВ,
ЎзА мухбири

Мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир Қуролли Кучларимиз шаклланган, миллий армиямизда хизмат қилиш ҳар бир йигитнинг ҳақиқий шон-шараф ишига айлангани Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юритилаётган оқилона сиёсатнинг юксак самараларидандир.

Ҳар томонлама пухта тайёргарликка эга, ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан яхши таъминланган Қуролли Кучларни ташкил этиш борасида изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар натижасида жаҳондаги энг илғор тажрибаларни ўзида мужассам этган ва айни пайтда халқимиз анъаналарини садоқат билан асраб-авайлаб келаётган том маънодаги миллий армиямиз шаклланди.

Қуролли Кучларимиз халқимизнинг тинч меҳнат қилиши ва осойишта ҳаётини, демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида мамлакатимизни изчил ривожлантиришнинг ишончли кафолатидир. Армиямизнинг қудрати, жамиятдаги аҳамияти, фуқароларимиз, айниқса ёшларимиз ўртасида ҳарбий хизматнинг нуфузи тобора юксалмоқда. Миллий армиямизда ўз Ватанига содиқ, юксак билим ва маҳоратга, маънавий-ахлоқий тарбияга эга йигитлар хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни кенг нишонланмоқда.

"Туркистон" саройида 13 январь куни ушбу байрамга бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерга аскар ва сержантлар, офицерлар, генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари, ота-оналар ва жамоатчилик вакиллари таклиф этилди.

Тадбирни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 17 йиллик байрамига бағишланган мурожаатини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Армияни ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган босқичма-босқич ислоҳотлар туфайли Қуролли Кучларни ташкил этиш ҳамда бошқаришнинг мутлақо янги тизими шакллантирилди, мамлакатимизнинг ягона мақсад ва вазифалар негизида узвий боғланган ишончли мудофаа комплекси вужудга келди. Қуролли Кучлар сафини тўлдириш ва фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматни ўташ тизимининг такомиллаштирилгани Қуролли Кучларимизнинг жанговар қобилиятини сезиларли равишда оширди, армиямизни тубдан янгилади. Жумладан, муддатли ҳарбий хизмат бир йилгача қисқартирилгани, сафарбарлик-чақирув резерв хизмати жорий этилгани ихчам, замонавий ва профессионал асосдаги армияни шакллантириш имконини берди.

Давлатимиз раҳбарининг фармонига биноан жорий йилдан бошлаб фуқаролар муддатли ҳарбий хизматга йилига бир марта чақирилиши ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлик дастурларини, ҳарбий ихтисосларни сифатли ўзлаштиришини, Қуролли Кучларимизда ахборот-компьютер технологияларига асосланган таълимнинг замонавий шакл ва услубларини кенг жорий этишни, ҳарбий хизматчиларнинг касб маҳорати ва тайёргарлигини янада оширишни назарда тутади.

Замонавий ўқув базаси билан таъминланган сержантлар тайёрлаш мактаблари, олий ҳарбий билим юртлари ҳарбий тайёргарликни илғор илм-фан ва техника ютуқларига асосланган ҳолда олиб бориш учун мустаҳкам замин бўлаётир.

Бу эса миллий армиямизни профессионал кадрлар билан тўлдириш, ҳарбий хизматчиларнинг ҳар томонлама тайёргарлигини, билим ва кўникмаларини ошириш, маънавий-ахлоқий савиясини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

(Давоми 3-бетда)

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ВА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ

ЎзМТДП ҲАЁТИДАН

Ватан ҳимояси - муқаддас бурч



Д.ҲАЙИТОВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганлигининг 17 йиллиги бутун юртимиз бўйлаб кенг нишонланмоқда. Ҳарбийларимиз ҳаётини кузатар эканмиз, улар зиммасида нечоғли масъулиятли ва залворли вазифалар турганини англаймиз. Сизу бизнинг хотиржам ҳаёт кечиришимизда уларнинг тунларни бедор тонгларга улаган хизматлари ётганлигини чуқур ҳис этамиз. Шуларни ўйлар эканмиз, кўнгилда беихтиёр уларга нисбатан миннатдорчилик туйғуси кечади.

Ушбу байрам муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари Бош бошқармасида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши ва ИИВ Қоровул қўшинлари Бош бошқармаси ҳамкорлигида “Ватан ҳимояси – муқаддас бурч” мавзусида тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси девони ходимлари, ИИВ ҚҚ Бош бошқармаси шахсий таркиби, зобит ва аскарлари иштирок этдилар.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси ИИВ Қоровул қўшинлари қўмандони ўринбосари М.Мухторов очиб, юртимизда замонавий талаб ва андозаларга жавоб берадиган Қуролли Кучларни ташкил этиш, мамлакатимиз хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, барқарор ва изчил тараққиётимизнинг ишончли кафолати бўлган миллий армияни шакллантириш йўлида катта ишлар амалга оширилаётгани ҳақида гапириб ўтди. Нотиқ мудофаа тизими тобора мустаҳкамланаётгани, миллий армиямизда модернизация жараёни изчил давом этаётгани, шу жумладан Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари қўмондонлиги тизимида ҳам бу борада бир қатор ишлар амалга оширилаётгани хусусида алоҳида тўхталди. Шундан сўнг сўз олган ЎзМТДП МК Ижроия Қўмитаси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Ахтам Турсунов халқимиз тинчлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини сақлашда миллий армиямизнинг ўрни жуда катта эканлигини таъкидлади. Бу борада Қонунчилик палатаси томонидан амалдаги қонунлар ижросини таъминлаш ҳамда янги қонунлар ишлаб чиқиш, уларда ички ишлар соҳаси ходимлари учун яратилаётган имтиёзлар тизимини такомиллаштириш борасида қилинаётган ишлар ҳақида гапирди.

Дарҳақиқат, ўтган давр мобайнида юртимизда Ўзбекистон Қуролли Кучларини ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган Дастурга мувофиқ, замонавий талабларга жавоб берадиган миллий армияни шакллантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Уларнинг профессионал тайёргарлик даражаси юксалтирилди, сержантлар тайёрлаш мактаблари барпо этилди, замонавий жанговар-ўқув базалари билан таъминланган офицер кадрлар тайёрлаш тизими яратилди. Эндиликда ҳарбий хизмат мамлакатимизнинг ички ва ташқи хавфсизлигини таъминлашда аскарларимиз учун нафақат конституциявий бурчни бажариш, балки ғурур, йигитлик шаъни каби шарафли ишга айланди.

Тадбир давомида мамлакатимизнинг мудофаа салоҳиятини янада юксалтириш, ёшларни миллий ғоя ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ- тартиботни мустаҳкамлаш ишига қўшаётган ҳиссаси учун ИИВ Қоровул Қўшинлари қўмондонлигида хизмат қилаётган бир гуруҳ хизматчилар ЎзМТДП МК Ижроия Қўмитаси ва ва ИИВ ҚҚ Бош бошқармасининг буйруғига биноан Фахрий ёрлиқлар, эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

— Бугунги байрам мен учун ўзгача кечмоқда,- дейди ЎзМТДП МК Ижроия қўмитаси Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган подполковник Сирож Идиров. – Бизга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик бор куч-ғайратимизни она юртимиз тинчлиги, фарзандларимиз камолоти йўлида сафарбар этишга ундайди. Бунда биринчи навбатда соҳада юз бераётган ўзгаришлар, ҳарбий хизматчиларга яратилаётган шарт-шароитларни айтиб ўтиш жоиз.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, қолаверса мудофаа тизимида ҳам аёлларнинг фаолият олиб бораётгани мазкур соҳада уларнинг ўзига хос ўрни бор эканлигини яққол кўрсатади. — Ишим ҳаётимнинг мазмунига айланган десам, асло муболаға бўлмайди,- дейди катта сержант Нилуфар Алланазарова. — Давлатимиз томонидан сержантларнинг профессионал тайёргарлик даражасини янада оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу бизнинг кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади. Фурсатдан фойдаланиб, байрам билан барча ҳамкасбларимни табриклайман.

Ватанга муҳаббат, унга садоқат туйғуларини мадҳ этувчи куй ва қўшиқлар кечага янада файз бағишлади. Тадбирдан сўнг бир гуруҳ партия фаоллари Ички ишлар вазирлиги Қоровул Қўшинлари қўмондонлиги музейини томоша қилдилар. Музейдаги бой экспонатлар, Қоровул Қўшинлари тарихига доир маълумотлар барчанинг эътиборини тортди.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ — БОШ ТАЯНЧИМИЗ

Фаолиятимиз ва мақсадларимиз муштарак

Дилноза ҲАЙИТОВА,
“Milliy tiklanish” мухбири

Мамлакатимиз ҳаётида содир бўлаётган ҳар бир ўзгариш ва янгиланишлар энг аввало ОАВда, хусусан матбуот нашрларида ўз аксини топади ва уларни ҳақли равишда жамият маънавий, ижтимоий-сиёсий ҳаётининг кўзгуси деб атаймиз. Янгилик ва ахборотларнинг юртимизнинг чекка-чекка ҳудудларигача етиб боришининг таъминланиши, муштарийлар талабларининг қондирилиши соҳага масъул ташкилотлар зиммасига катта масъулият юклайди. “Матбуот тарқатувчи” акциядорлик компанияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 418-сонли Қарори билан ташкил этилган бўлиб, республикамиз аҳолисининг вақтли матбуотга бўлган талабини таъминлаш, нашрларга бўлган эҳтиёж маркетинги ва мониторингини ташкил қилиш, уларни обуна ва чакана савдо орқали тарқатиш, газета ва журналларни жойларга ўз вақтида етказиб бериш ишларини амалга ошириш орқали халқимиз маънавий дунёқарашининг ўсишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.



Кириб келган янги йилда кўпгина муассаса ва ташкилотлар қаторида мазкур компанияда ҳам ЎзМТДП бошланғич ташкилоти тузилди. Ушбу бошланғич партия ташкилоти аллақачон ўз олдига кенг кўламли вазифалар қўйиб, фаолиятини бошлади. Бошланғич партия ташкилоти келгуси режаларини билиш мақсадида “Матбуот тарқатувчи” акциядорлик компанияси Шартномалар бўлими бошлиғи, БПТ раиси Муҳаббат Тошхўжаевани суҳбатга чорладик:

— Компаниямизда ЎзМТДП бошланғич партия ташкилотини тузишга айнан пайтлардан буён кўпчилик ҳамкасбларимизнинг хоҳишлари эди. Тузилганига ҳали унча кўп вақт бўлганига қарамай, унинг сафига киришни истовчилар сони кун сайин кўпайиб бормоқда. Албатта бундан фақат хурсанд бўлишимиз керак. Бу энг аввало фуқароларимизнинг сиёсий фаоллиги ошиб бораётгани, сиёсий жараёнларга қизиқиши тобора ортаётганидан далолат. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг ғоя ва мақсадлари бизнинг иш фаолиятимиз билан ҳамоҳанг ва уйғунлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Партия Дастуридаги миллий ўзликни англаш, миллий ғоя ва мафкурани тарғиб-ташвиқ қилиш, мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ишларни изчиллик билан давом эттириш ва уларнинг таъсирчанлигини оширишда ташкилотимиз жойлардаги филиаллари ўзига хос ҳисса қўшмоқда. Газеталару журналлар, китоблар ҳар бир хонадонга зиё, маърифат нурини олиб киради. Бу нур халқимиз асрий маънавиятидан куч олиб истиқболга хизмат қилишига ишончим комил.

Айни кунда бошланғич партия ташкилотида иш жараёни қизғин тус олган. БПТ йиллик иш режасини ишлаб чиқиш, шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси билан биргаликда маънавий- маърифий мавзуларда тадбирлар ташкил қилиш, бунда айниқса аёллар, ёшлар сиёсий фаоллигини ошириш масаласига алоҳида аҳамият берилмоқда. Шунингдек, компаниянинг шўъба корхоналари ва жамиятларида ҳам БПТлар ташкил этилмоқда.

Дарвоқе, бугунги кунда компания фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, шўъба корхоналари ва жамиятлари орқали вақтли матбуотни истеъмолчиларга етказиб берилиши, уларга обуна бўлиш ва тармоқлари орқали сотилишини таъминлаш борасида салмоқли ишлар қилинмоқда. Республикамизда чоп этиладиган газета ва журналлар таҳририятлари, нашриётлар билан мунтазам алоқа ўрнатилган. Муаллифлар, нашриётларнинг ҳар хил турдаги китоб маҳсулотларини ҳам шартнома асосида тарқатиш ишлари йўлга қўйилган. Жорий йил учун уларни тарқатиш бўйича шартномалар тузилиб, обуна каталоглари ишлаб чиқилди. Каталогга 202 тага яқин газета ва 169 та журналлар киритилди. Биргина пойтахтимизнинг ўзида 200 дан зиёд матбуот дўкон (киоска)лари мавжуд бўлиб, кундалик нашрлар ҳар куни эрталаб уларга тарқатилади. Шунингдек, газета ва журналлар вилоятларга ҳам мунтазам етказиб берилади. Ана шундай масъулиятли вазифаларни амалга оширишда БПТ атрофига тўпланган “Миллий тикланиш” демократик партияси аъзолари алоҳида ўрнак кўрсатишмоқда.

ЎзМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА

Сарҳисоб ва режалар

А.НОРҚУЛОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

“Миллий тикланиш” демократик партияси Сирдарё вилоят кенгаши Ижроия қўмитасининг пленуми бўлиб ўтди.

Пленумда ташкилий масалалар кўрилиб, кенгаш аъзолари таркибига бир қатор ўзгартиришлар киритилди.

ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Фарҳод Норматов вилоят кенгашининг 2008 йилдаги фаолияти тўғрисида маъруза қилди.

Маъруза юзасидан бўлган музокараларда ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари, маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари Солижон Қудратов, “Соғлом авлод” хайрия жамғармаси вилоят бўлими раиси Олтиной Эсонова, партиядан халқ депутатлари вилоят кенгашига сайланган депутат Бозорбой Қаршиев, “Янгиер тонги”, “Сирдарё” газеталари бош муҳаррирлари Шомурод Холмуродов, Умарқул Очилов ва бошқалар иштирок этдилар.

Нотиқлар “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонун ижросини таъминлаш, партиянинг омма орасидаги нуфузини ошириш ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Партиянинг дастурий мақсадларида белгиланган партия электоратининг манфаатларига тааллуқли муаммоларни амалда ҳал этишга қаратилган чора-тадбирлар кўриш учун ташаббус кўрсатишлари мақсадга мувофиқ деб белгиланди. Маърузачилар партиядан халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар фаоллигини ошириш, депутатлик гуруҳларининг ишларини жонлантириш юзасидан аниқ таклиф ва мулоҳазаларни ўртага ташладилар.

Пленумда партиянинг кадрлар заҳирасини шакллантириш, уларни билимдон, ташаббускор фаол ёшлар ҳисобига янгилаш масаласига алоҳида урғу берилди. Шунингдек, бошланғич партия ташкилотларининг фаоллигини ошириш юзасидан ҳам таклифлар билдирилди. Партия вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан 2009 йилда бажарилиши лозим бўлган асосий вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилиш сўнгида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

АНЖУМАН

Аёлни эъзозлаган юрт

А.НОРҚУЛОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

Юртимизда хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрнини ошириш ҳамда ташаббускорлигини рағбатлантириш бугунги кунда энг муҳим вазифалардан бирига айланган.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси томонидан ҳам аёлларнинг жамиятдаги нуфузини, уларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий соҳалардаги фаоллигини юксалтириш қонуний ҳуқуқ ва мафаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишларига катта эътибор қаратилаяпти.

Сирдарё вилоятида партия аъзоларининг деярли ярмисини фаол хотин-қизлар ташкил этади. ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси томонидан мазкур йўналишда учрашувлар, тадбирлар ўтказиляпти. Уларда тадбир иштирокчилари бўлган хотин-қизлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб топмоқдалар. Мавжуд муаммоларни биргаликда, баҳамжиҳат ечмоқдалар.

Яқинда вилоят кенгаши Ижроия қўмитасининг Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят филиали билан ҳамкорликда ўтказган “Аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ижтимоий фаоллигини ошириш” мавзусидаги давра суҳбатида партиянинг фаол хотин-қизлари, талаба-ёшлар иштирок этдилар. Уни ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Солижон Қудратов бошқарди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг вилоят бўйича минтақавий вакили, юридик фанлари номзоди Рустамбек Турдиев сўзга чиқиб, мамлакатимизда аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган ишлар хусусида гапирди.

Иштирокчилар мамлакатимиз Президентининг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида”ги Фармони ва “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун ижросини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган тадбирлар ҳақида фикр юритдилар.

Тадбирда партиядан халқ депутатлари Сирдарё, Гулистон туман кенгашларига сайланган депутатлар Акбарали Мирзаҳмедов, Абдураҳим Оқмирзаев иштирок этиб, хотин-қизларни, айниқса, ҳали тажрибаси бўлмаган ёшларнинг дунёқараши, фуқаролик позицияси, сиёсий-ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлашда нималарга эътибор қаратиш лозимлиги юзасидан ўзларининг фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдирдилар.

ТАДБИР

Огоҳлик – давр талаби

Илья ДИЛЬМАНОВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

Ёшларимизни маънавиятга зид бўлган ғоя ва мафкуралар таъсиридан сақлаш бугунги кундаги долзарб вазифалардан биридир. Ажиниёз номидаги Нукус Давлат педагогика институти мажлислар залида бўлиб ўтган тадбир ҳам шу каби масалаларга қаратилди. Учрашувни институт маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори Гулмирза Қурбаниёзов олиб борди.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгеси қошидаги диний ишлар идораси вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув бошқармаси ҳамда Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари ва ЎзМТДП вакиллари ўз маърузалари билан қатнашдилар.

Тадбир иштирокчилари томонидан жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган кескин глобаллашув жараёни ижобий характерга эга бўлиб, инсоният учун мислсиз имконият эшигини очиб беришини, лекин бундай ўзгаришларнинг салбий томони ҳам борлиги, у ҳам бўлса дунё тинчлигига таҳдид солувчи уюшган жиноятчилик, террористик тузилма ва диний ақидапарастлик ҳамда миссионерлик ҳаракати одамларнинг тинч ҳаётига, миллий хавфсизлигимизга таҳдид қилиш каби салбий жиҳатлар талабаларга атрофлича тушунтириб ўтилди.

Соҳа вакиллари талаба ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб бериб, уларга бундай ҳаракатларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари ҳақида батафсил маълумот бердилар.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 17 йиллик байрамига бағишланган мурожаати

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу муносабат билан Бирлашган штаб, ҳарбий округлар қўмондонлигининг энг муҳим вазифаси жанговар бўлинмаларнинг сафарбарлик ва ҳаракатчанлик, ўзини ўзи бошқариш даражасини ошириш, уларнинг мамлакатимиз хавфсизлигига қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ва хатарларга қарши тезкор ҳамда самарали жавоб бериш қобилиятини янада кучайтиришдан иборат бўлмоғи лозим. Армиямизда махсус ташкил этилган янги турдаги ҳаракатчан бирлашма ва қисмлар – Махсус операцияларни амалга оширадиган кучлар, Террорчиликка қарши курашиш корпуси, разведка-қидирув взводлари, шунингдек, принципиал жиҳатдан мутлақо янги бўлинмалар – вертолёт-ҳужум взводларининг тезкорлик ва жанговар имкониятларини кенгайтириш ва кучайтириш, уларнинг юқори даражадаги тайёргарлигини таъминлаш, энг замонавий қурол-яроғ ва махсус воситаларга эга бўлишига эришиш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Қуролли Кучлар ва қўшин турлари штаблари ўз саъй-ҳаракатларини турли бузғунчи кучлар, қўпорувчи-террорчи гуруҳлар жиноий ҳаракатларни содир этишда фойдаланиши мумкин бўлган мамлакат мудофааси, давлат чегараларини муҳофаза қилиш тизимидаги заиф бўғинларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда зарур чораларни кўриш бўйича яқин ҳамкорликни таъминлашга қаратиши даркор.

Иккинчидан. Бирлашма ва қисмларнинг ташкилий-штат тузилмасини янада такомиллаштириш, фронт орти ва техник таъминот бўлинмаларидаги бир-бирини такрорлайдиган, самарасиз тузилма ҳамда офицерлик лавозимларини қисқартириш ва ихчамлаштириш, бирлашма ва қисмлардаги гуруҳ командирлари лавозимларини сержантлар таркиби ҳисобидан тўлдириш борасидаги ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Буларнинг барчаси, биринчи навбатда армиямизнинг бошланғич бўғинида ташкилий тузилмани тубдан яхшилаш, шахсий таркиб жанговар тайёргарлигининг сифат даражасини ошириш, бўлинмаларнинг кундалик фаолиятини ташкил этишда сержантларнинг ролини кучайтириш, шунингдек, кичик офицерлар таркибининг хизмат фаолиятини, бирлашма ва қисмларни бошқариш тизими самарадорлигини юксалтиришга ёрдам бериши керак.

Учинчидан. Армиямизни замонавий турдаги қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан қуроллантириш ўта муҳим вазифа бўлиб, айнан шунинг ҳисобидан армиямизнинг тезкорлиги ва ҳаракатчанлиги, зарур жанговар қудратини таъминлаш мумкин.

Аввало, армиямизни замонавий жанговар ҳарбий техникалар, разведка ва кузатувнинг электрон тизимлари, нишонни юксак даражада аниқ урадиган тезкор қуроллар, самарали алоқа воситалари, шунингдек, якка тартибда ва гуруҳларда қўлланадиган ишончли ҳимоя воситалари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Тўртинчидан. Олий ҳарбий таълим муассасаларининг интеллектуал савияси юксак, дунёқараши кенг, узоқни кўра оладиган офицер кадрларни тайёрлаш борасидаги фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш талаб этилади.

Ҳарбий билим юртлари қурол-яроғ ва техниканинг замонавий тизимлари ҳамда қўшинларни бошқариш ва жанговар операциялар олиб боришнинг самарали усулларини ўзлаштириш ва синовдан ўтказиш бўйича амалда Қуролли Кучларнинг етакчи ҳарбий-илмий марказларига айланиши даркор. Бунинг учун улар жанговар шароитларга имкон қадар тўла яқинлаштирилган вазиятни моделлаштиришга қодир бўлган энг замонавий тренажёрлар билан жиҳозланиши, ўқув жараёнида моделлаштириш ва симуляция усулларидан кенг фойдаланиши даркор. Шу муносабат билан Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти, Чирчиқ олий танк қўмондонлик билим юртида қисқа вақт ичида Қуролли Кучларнинг Махсус моделлаштириш ва симуляция маркази ўқув бўлинмаларини ташкил этиш лозим. Уларнинг зиммасига марказий бўлинмаларнинг моделлаштириш ва симуляция усулларини, шунингдек, армиямизнинг офицер кадрлари ҳамда сержантлари таркибини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёни учун ахборот-коммуникация технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш вазифаларини юклаш зарур.

Бешинчидан. Муддатли ҳарбий хизматга бир йилда бир марта чақириш тизимига ўтиш, ёшларнинг ҳарбий чақириқдан олдинги тайёргарлик даражасига талабларнинг ортиши, шу билан бирга, армияда шартнома асосида хизмат қилишнинг кенгайиши мудофаа ишлари бўйича бўлинмалар ва бошқармалар фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқишни талаб этади. Қуролли Кучларнинг кадрлар таркиби ва сафарбарликка тайёргарлик даражасини яхшилаш борасидаги барча ишларимизнинг самарасини кўп жиҳатдан белгилаб берадиган ушбу бўлинмаларда ҳарбий хизмат соҳасида катта тажрибага эга, армия билан яқин алоқада бўлган, унинг муаммоларини, бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг моҳияти ва мақсадларини яхши биладиган офицерлар ишлаши даркор.

Олтинчидан. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш, армияда моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган кенг кўламли чора-тадбирларнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Яқин йиллар ичида ўнлаб замонавий ҳарбий шаҳарчаларни барпо этиш ва реконструкция қилиш, бу объектларда энг юксак талабларга ҳамда ҳарбий хизматчилар ва уларни оилаларининг эҳтиёжларига жавоб берадиган қулай ижтимоий-маиший шароит ва инфратузилмаларни яратиб беришимиз керак. Ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш бўйича тасдиқланган, 2015 йилгача мўлжалланган давлат дастурининг сўзсиз бажарилишига эришиш, ҳарбийларимизга тиббий, курорт-санатория хизмати кўрсатишни яхшилаш чораларини амалга ошириш лозим.

Еттинчидан. Ҳарбий хизматчиларнинг маънавий-руҳий, сиёсий тайёргарлигини янада такомиллаштириш даркор. Барча бўғиндаги командирларнинг фаолияти офицерлар, сержантлар ва аскарларда юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларни тарбиялаш, фаол ҳаётий позиция ҳамда ватанпарварлик, мамлакат тақдири учун масъулият ҳисси билан яшаш, юртимиз мустақиллиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш туйғусини янада кучайтиришга қаратилиши лозим. Армия амалда ёшларни маънавий, жисмоний жиҳатдан баркамол инсон ва етук граждан сифатида вояга етказадиган ҳаёт мактабига айланиши шарт.

Қуролли Кучларимизнинг жанговар қобилияти, мамлакатимиз хавфсизлиги ва жамиятимиздаги маънавий-ахлоқий муҳит бевосита ушбу вазифаларнинг нечоғлик муваффақиятли ҳал этилишига боғлиқ эканини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Ҳурматли ватандошлар!

Армиямизнинг қудрати – аввало, унинг халқимиз ҳаёти билан чамбарчас боғланган мустаҳкам ришталарида, узвий алоқасида намоён бўлади.

Бугунги кунда Қуролли Кучларимиз сафида Ватан манфаатларига чин дилдан садоқатли, муқаддас заминимиздаги тинч ва осуда ҳаётни кўз қорачиғидек асраб келаётган энг муносиб йигит-қизларимиз хизмат қилмоқда. Уларнинг фаолияти, жанговар азму шижоати ҳар қачонгидан ҳам юқори баҳоланиб, халқимизнинг юксак ҳурматига сазовор бўлмоқда, ҳарбий хизматчининг ўзи эса давлатимиз ва жамиятимиз ғамхўрлигини амалда ҳар томонлама чуқур ҳис этмоқда.

Мана шу қутлуғ байрам кунида мен Қуролли Кучларимиз сафида Ватанни ҳимоя қилишдек мураккаб, айни пайтда дунёдаги энг олижаноб ва масъулиятли бурчни шараф билан адо этаётган мард ва жасур инсонларнинг ота-оналарига ўзимнинг самимий миннатдорлигимни изҳор этаман.

Сиз, азизларни, сизларнинг оила аъзоларингиз ва яқинларингизни Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 17 йиллиги билан яна бир бор табриклайман. Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, она Ватанимиз равнақи йўлидаги хизмат фаолиятингизда янги муваффақиятлар, ғайрат-шижоат, бахт ва омад тилайман.

Ислом КАРИМОВ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони

Элу юртимизнинг мустаҳкам қалқони

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳарбий хизматни ўташ шароитини яхшилаш ҳамда Ватан ҳимоячиларига ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш борасидаги ишлар кўлами тобора кенгаймоқда. Жумладан, ҳарбий хизматчилар ва улар оилаларининг турмуш шароитини яхшилашга қаратилган алоҳида имтиёзлар жорий этилди. Муддатли ҳарбий хизмат давомида юксак натижаларни қўлга киритган йигитларга олий ўқув юртларига ўқишга имтиёзли кириш учун тавсияномалар берилмоқда. Ҳарбий унвонлар бўйича маошлар, ҳарбий хизматдан бўшагандан кейин тўланадиган нафақалар миқдори муттасил оширилмоқда.

Президентимизнинг фармонига мувофиқ, Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан мамлакатимизнинг мудофаа салоҳиятини янада юксалтириш, сарҳадларимиз дахлсизлигини ва миллий хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар орден, медаль ва фахрий унвонлар билан тақдирланди. Йиғилишда уларга Ватанимизнинг ана шу юксак мукофотлари топширилди.

Йиғилишда сўзга чиққан аскар онаси Малика Валиева, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гуруҳ командири Мадат Эгамов, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари гуруҳ командири Валижон Турдиев давлатимиз раҳбарига ҳарбий хизматчиларга кўрсатаётган алоҳида эътибори ва доимий ғамхўрлиги учун самимий миннатдорлик билдирдилар.

Ўзбекистон Қуролли Кучларида анъана тусини олган уч босқичли танловга асосан, 2008 йилда ҳам энг илғор бригада, батальон, взвод, гуруҳ командири ва энг илғор сержант аниқланди. Тадбирда ана шу танлов ғолибларига диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Энг илғор ҳарбий қисм, сержантлар тайёрлаш мактаби ва олий ҳарбий билим юрти ҳам мукофотланди.

Тантанали йиғилиш катта байрам концерти билан якунланди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

14 ЯНВАРЬ - ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

Умид ИСМОИЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 125-моддасида "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади", деб белгилаб қўйилган.

Тинчлик ва осойишталикнинг ишончли қалқони

Дарҳақиқат, давлатчилигимизнинг шаклланиш жараёнида ҳал этилган муҳим вазифалардан бири энг замонавий талаб ва андозаларга жавоб бера оладиган Қуролли Кучларимизни барпо этиш бўлди.

Ёш, мустақил давлатимизнинг хавфсизлигини таъминлаш, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини сақлаш долзарб вазифа бўлиб, бу вазифани амалга ошириш ҳарбий соҳада ислоҳотлар ўтказиш зарурлигини кун тартибига қўйган эди. Натижада мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб тезкор, яхши тайёргарликдан ўтган ва замонавий қуролланган армияни ташкил этиш ҳарбий ислоҳотнинг бош йўналишига айланди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Дастлаб хавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий асоси ҳарбий ҳуқуқнинг энг муҳим манбааси бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз аксини топди (125, 126, 52, 57, 93-моддалар). Кейинчалик Конституцияга асосан Ўзбекистон Республикасининг "Мудофаа тўғрисида"ги, "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида"ги, "Фуқаро муҳофазаси тўғрисида"ги, "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва ҳукумат қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепцияси (мазкур Концепция асосида Мудофаа доктринаси ишлаб чиқилди) ишлаб чиқилди ва қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси хавфсизлик тизимининг ҳуқуқий асослари яратилди. Бунинг асосида миллий армиямизни ислоҳ қилишдек муҳим ва долзарб вазифа кўзланган бўлиб, асосий мақсад армиямизнинг мудофаа қобилиятини ошириш, мамлакатимиздаги бугунги шарт-шароитларга жавоб берадиган ҳамда мустақил тараққиётимизни таъминлаш борасидаги вазифаларни бажаришга қодир бўлган Қуролли Кучларни барпо этишдан иборат эди.

Бу вазифани амалга ошириш билан Қуролли Кучларни ташкил этишнинг янги модели яратилди ва жорий этилди. Армиямиз энг замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника, моддий-техника воситалари билан жиҳозланди. Ҳарбий қисмларнинг тузилмаси такомиллаштирилди, ҳарбий округлар ташкил этилди, мураккаб вазиятларда тезкор ҳаракат қиладиган махсус бўлинмалар тузилди.

Ўзбекистон Республикасининг суверенитети ҳамда ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича қарорларни ишлаб чиқувчи ва амалга оширувчи ягона қўмондонлик органи - Қуролли Кучларнинг Бирлашган штаби ташкил этилди.

Ҳарбий хизматчиларнинг профессионал тайёргарлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, компьютер технологияларидан, моделлаштириш услубларидан ва бошқа замонавий таълим шаклларидан фойдаланиладиган, ҳарбий хизматчиларни тайёрлашнинг мутлақо янги шакллари ҳисобланадиган сержантлар мактаблари ва тайёрлов марказлари жорий этилди.

Ўзбекистоннинг олий ҳарбий билим юртларида кадрлар тайёрлаш тизими такомиллаштирилди. Тошкент умумқўшин, Чирчиқ танк ва Самарқанд автомобиль олий ҳарбий қўмондонлик билим юртлари кўп тармоқли таълим масканларига айлантирилди. Жиззах олий ҳарбий билим юрти ташкил этилди. Тошкент Ахборот технологиялари университетида алоқачи-офицерлар тайёрлайдиган махсус факультет очилди.

Шунингдек, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини моддий, ижтимоий-маиший қўллаб қувватлашга катта эътибор берилди. Бу борада сўнгги йилларда муддатли ҳарбий хизматчилар, сержант ва офицерлар таркибининг молиявий таъминот миқдорини икки баравар кўпайтириш, улар зиммасига бўшатилганда бериладиган нафақа миқдорининг энг кам иш ҳақининг ўн олти баробаригача ошириш, армиянинг мардлик ва матонат мактабини ўтаган ҳамда жанговар ва ижтимоий тайёргарлик бўйича аъло натижаларга эришган ҳарбий хизматчиларга олий ўқув юртларига имтиёзли кириш каби қатор имкониятлар яратиб берилди. Олий ўқув юртларига кирувчилар учун берилган кўмак яъни 25 фоизлик балл қўшилиши имтиёзининг амал қилиш муддати уч йил қилиб белгиланиши яна ҳам эътиборлидир.

Муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтаган ва олий ўқув юртларига имтиёздан фойдаланиб кирган, тўлов-контракт шакли бўйича ўқишга қабул қилинган талабалар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши томонидан ҳам қўллаб-қувватланмоқда, "Камолот" ЁИҲнинг талаба ташкилотлари фаолиятида фаол иштирок этганларга контракт суммасининг 35 фоизи тўлов тариқасида моддий ёрдам кўрсатила бошланди. 2007 йилда бу моддий ёрдам суммаси 1 млрд 300 минг сўмни ташкил қилган бўлса, 2008 йилда 3 млрд 200 миллион сўмга етган. 2008 йилда муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтаб, республикамиздаги олий ўқув юртларига қабул қилинган йигитлар 7551 нафарни ташкил қилди. Уларнинг 5693 нафари тўлов-контракт асосида ва 1858 нафари грант асосида таълим олишмоқда. Тўлов-контракт асосида таълим олаётган 5166 нафар биринчи курс талабасига контракт суммасининг 35 фоизи миқдорида моддий ёрдам кўрсатилмоқда. 2008 йилда бу имтиёздан фойдаланаётган талабаларнинг умумий сони 9600 нафарга етди.

Бугунги кунда ҳам Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари соҳасида ислоҳотлар тизимли давом эттирилмоқда. Президентимизнинг 2008 йил 20 ноябрдаги "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида белгиланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Қуролли Кучларда муддатли ҳарбий хизматга йилига бир марта чақиришнинг жорий қилиниши муддатли ҳарбий хизматни ўташ тизимини такомиллаштириш Қуролли Кучлар сафидаги ҳарбий хизматчиларнинг интеллектуал ривожланиш даражасини янада ошириш соҳасида олиб борилаётган ишларнинг узлуксиз мантиқий давоми бўлиб, ҳарбий хизматнинг обрў эътиборини янада орттиради. Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматни ўташ шарт-шароитларини, қўшинларнинг жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлиги ҳамда сафарбарлик жиҳатидан тайёрлигини мустаҳкамлаш учун катта имконият яратилди. Армиямизни мустаҳкамлаш борасидаги бугунги сиёсат йигитларимизга фақат жисмоний машқларни мукаммал ўргатишгина эмас, балки маънавий жиҳатдан ҳам етук бўлиш вазифасини қўймоқда.

Буларнинг самараси ўлароқ, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари шахсий таркиби ўз олдига қўйилган мураккаб ва жанговар вазифаларни шараф билан уддалаб, мустақиллигимизнинг муҳим кафолати, озод ва обод Ватанимизни ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилишга қодир ишончли қалқонга айланди. Миллий армиямизда олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тинчлигимиз ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолати бўлиб, унинг сафларида хизмат қилиш эса муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси учун нафақат конституциявий бурч, балки мамлакатимизда орзу қилишга сазовор касбга айланди.

ҲАРБИЙ СПОРТ ЎЙИНЛАРИ

"Балли, йигитлар!"

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракати томонидан ҳарбий-ватанпарварлик йўналишида тадбирлар ўтказилмоқда.

Ёшлар ташкилотларининг ушбу йўналишдаги тадбирларида мактаб, коллеж, лицей ўқувчиларини кенг қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Жумладан, анъанавий тарзда ўтказилаётган "Шунқорлар" ҳарбий-спорт ўйинларининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. 2008 йили мазкур мусобақада қатнашган икки юз минг нафардан кўпроқ йигит-қиз ҳарбий-спорт ўйинлари ва ҳуқуқий саводхонлик юзасидан ўзаро куч синашди.

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан жойларда ташкил этилаётган учрашувларда ҳарбийлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ижодкорлар, талабалар, ўқувчи ёшлар ва турли соҳалар мутахассислари иштирок этмоқда.

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов тумани маънавият-маърифат марказида ташкил этилган ана шундай мулоқотда мамлакатимизнинг мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар ўз самараларини бераётгани алоҳида таъкидланди. Тадбир доирасида ёш ижрочилар томонидан тақдим этилган юртга садоқат туйғуларини тараннум этувчи концерт дастури даврага янада кўтаринкилик бағишлади.

Миробод туманидаги ўқувчилар ижодиёт марказида ташкил этилган «Балли, йигитлар!» кўрик-танловида етмиш нафардан кўпроқ иштирокчи ҳарбий-ватанпарварлик, спорт ва ҳуқуқий саводхонлик юзасидан баҳслашди. Танлов ғолибларига «Камолот»нинг эсдалик совғалари топширилди.

Мунтазам ўтказилаётган бундай тадбирларда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, гиёҳвандлик иллатлари тарқалишининг олдини олиш, йигит-қизларни диний экстремистик оқимлар таъсиридан асраш, адашиб жиноят содир этган ўсмирларни соғлом ҳаётга қайтаришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Хусусан, "Ёшлар учун ҳарбий-спорт ороми гоҳлари" лойиҳаси жиноятчилик кўчасига адашиб кириб қолган ўнлаб ёшлар ўз қилмишининг салбий томонларини англаб етишига хизмат қилмоқда.

ВАТАНИМИЗНИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Саримсоқов Маҳмуджон Тўхтасинович - Чирчиқ олий танкчи қўмондонлик - муҳандислик билим юртининг кафедра бошлиғи

Юркевский Константин Эдуардович - Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг кафедра бошлиғи

II даражали "Шон-шараф" ордени билан

Атаханов Шухрат Матякубович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Ганиев Шухрат Абдулхаевич - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг командири

Қуватов Зафар Ўроқович - Қарши шаҳар ички ишлар бўлимининг катта ёнғин ўчирувчиси

Набиев Суҳбат Абдусаломович - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳининг секция командири

Турсунов Паҳлавон Ёрқинович - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳининг катта сапёри

Турсунов Раҳматулла Суннатович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг взвод командири

Файзиев Бахтиёр Алимович - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси бўлимининг бошлиғи

Юсупов Равшан Собирович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

"Дўстлик" ордени билан

Абдинабиев Шавкат Озодбекович - Ўзбекистон Республикаси Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари бригадасининг авиация эскадрильяси командири

Айнақулов Иброҳим Тожибоевич - Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти кафедрасининг катта ўқитувчиси

Джакбаров Қодиржон Аминжонович - Фарғона вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи

Жалолов Алижон Ғоибназарович - Тошкент ахборот технологиялари университети Махсус факультетининг кафедра бошлиғи

Қаюмов Файзулла Абдулҳайевич - Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судьяси

Мирфайзиев Анвар Ҳамидович - Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг кафедра бошлиғи

Попко Николай Иванович - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

"Жасорат" медали билан

Абдуваҳобов Абдусаид Абдувалиевич - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Абдуллаев Ихтиёр Баҳодирович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари взводининг мутахассиси

Абдуллаев Хислатхон Уйғунович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Абдусафоев Нематжон Абдухафизович - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг взвод командири

Авазов Санжар Раҳмонович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Андақулов Ўткир Абдумаликович - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригада командирининг ўринбосари

Аҳмедов Умиджон Турсунович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Бозоров Маҳмуд Ражабович - Бухоро шаҳар ички ишлар бўлимининг катта ёнғин ўчирувчиси

Дивонов Озодбек Улуғбекович - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг командири

Камолов Амиршод Облоевич - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари гуруҳининг мутахассиси

Қодиров Асроржон Солижонович - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг взвод командири

Матсапоев Улуғбек Бекпўлатович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари гуруҳининг мутахассиси

Мирзаев Бобиржон Тоҳиржонович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Небиев Дилявер Решатович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Пардабоев Муродулла Норбекович - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳининг мутахассиси

Раҳмонов Қутлуғжон Абдуманонович (марҳум) - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари гуруҳининг мутахассиси

Раҳмонов Муроджон Юлдашевич - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округининг хизмат бошлиғи

Раҳматов Рустамжон Норқулович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Раҳматуллаев Улуғбек Азраткулович - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг бўлим бошлиғи

Раҳмонов Илҳом Эргашевич - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взводининг мутахассиси

Раҳмонов Самариддин Суюнович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари гуруҳининг мутахассиси

Сайитов Мизроб Чориевич - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳининг мутахассиси

Тожибоев Тоҳиржон Пўлатович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Тохтимаметов Фаррух Маҳмудович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Тошпўлатов Баҳром Мухторович - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисмининг қоровул бошлиғи

Тўраев Садулла Бобожонович - Шимоли-ғарбий ҳарбий округ ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси

Турдиев Валижон Саидович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари гуруҳининг командири

Туробов Завқиддинжон Эргашович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари взводининг командири

Турсунов Рўзимурод Бекмуродович - Қашқадарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси авария-қутқарув гуруҳининг қутқарувчиси

Тўхтамишев Абдураҳим Амиркулович - Самарқанд шаҳар ички ишлар бўлимининг катта ёнғин ўчирувчиси

Ўролов Суннатилло Ражабалиевич - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Ҳамроев Ўктам Мамаюсупович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Ҳожиев Тўлқин Туйғунович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Шамсутдинов Шуҳрат Мэлсович - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисмининг батальон командири

Шерназаров Жўракул Равшанович - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

Эгамов Мадат Озодович - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гуруҳ командири

Юлдашев Сухроб Рашидович - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг дивизион командири

"Содиқ хизматлари учун" медали билан

Арамов Шарофиддин Хошимович - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг командири

Атабаев Маъмур Муртазоевич - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взводининг мутахассиси

Аҳмедов Шариф Жамолиддинович - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг марказ бошлиғи

Бобожонов Саъдулла Эргашевич - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Бобомуродов Элмурод Ҳамидович - Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Сирдарё вилояти божхона бошқармаси катта инспектори

Байбеков Равиль Абубакирович - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригадасининг хизмат бошлиғи

Ботиров Қаҳрамон Жўраевич - Шарқий ҳарбий округ ҳарбий судининг судьяси

Баҳронов Шарофитдин Шарифович - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригадасининг командири

Ғоипов Акбар Жўраевич - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Дадахонов Шухрат Алижонович - Бухоро вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи

Ибрагимов Мардонбек Иргашевич - Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси "Тошкент-Аэро" ихтисослаштирилган божхона комплекси катта инспектори

Иброҳимов Зафар Каримович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Исмоилов Тимур Уразбоевич - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Қўчқоров Маҳамаджон Мамадалиевич - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисмининг қоровул бошлиғи

Маматов Ҳусниддин Муфатхонович - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий техника билим юрти бошлиғининг ўринбосари

Мирзақулов Дилшод Раҳимжонович - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взводининг катта техниги

Нажимов Тоҳритдин Зуҳридинович - Тошкент вилоят Ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармасининг бошлиғи

Норқўзиев Шуҳрат Номазович - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригадаси командирининг ўринбосари

Нормуротов Фахритдин Юсуфович - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взводининг командири

Обидов Отабек Ганиевич - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳи командирининг ўринбосари

Пак Дмитрий Викентьевич - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи бўлим бошлиғининг ўринбосари

Пармонов Низом Сарибаевич - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бригада командирининг ўринбосари

Раупов Мехрож Болтаевич - Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратурасининг бўлим бошлиғи

Рўзиев Шерали Рамазонович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Рўзметов Рустам Абдуллаевич - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

Саджид Юрий Гульмухаммедович - Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штабининг бўлим бошлиғи

Токпулатов Сакберген Каипбергенович - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳининг секция командири

Турғунов Тўйчи Умарович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Умирзоқов Муроджон Хўжамуротович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Ҳайдаров Алиёр Каримович - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси бўлимининг бошлиғи

Худоёров Олимжон Дониёрович - Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти кафедрасининг катта ўқитувчиси

Худойқулов Нормўмин Янгибоевич - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳининг ҳайдовчи-механиги

Шарипходжаев Сайдолим Сайдазимович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Шерматов Тоҳир Фаридович - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг командири

Эшматов Абдурауф Ҳасанович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Юлдашев Исроил Исломович - Андижон вилоят Ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармасининг бошлиғи

Яллақаев Зокир Юсупович - Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти кафедрасининг мутахассиси

"Шуҳрат" медали билан

Абдуллаев Отабек Комилович - Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг курсанти

Акбарова Гулнорахон Аъзамовна - Ҳарбий-телекоммуникация йўналишидаги Тошкент академик лицейининг кафедра мудири

Алибеков Тиркаш Эргашевич - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гуруҳ мутахассиси

Баратов Музаффар Эшқобилович - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взвод командирининг ёрдамчиси

Жуманиёзова Тўтижон Мадаминовна - Ҳарбий-юридик йўналишидаги Урганч академик лицейининг кафедра мудири

Искандаров Ўктам Хатамович - Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг автомобиль мактаби ўқитувчиси

Исроилов Носир Муродович - Тошкент вилоят Ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бўлимининг бошлиғи

Қозоқов Илҳомбек Бозорбоевич - Давлат божхона қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармаси бўлинма бошлиғи

Мадалиев Санжарбек Олимович - Тошкент ахборот технологиялари университети Махсус факультетининг курсанти

Маҳмудов Бовмат - Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг судьяси

Маҳмудов Сарваржон Оқбоевич - Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Сурхондарё вилояти бошқармаси кўрикдан ўтказиш гуруҳининг кичик инспектор-кинологи

Мелиқулов Бектош Эргашевич - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳининг секция командири

Муқумов Зиёдулло Туробович - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисмининг гуруҳ командири

Мусаев Руслан Нарзуллаевич - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Сержантлар тайёрлаш мактабининг таъминот гуруҳи техниги

Обидов Раҳимжон Обидович - Чирчиқ ҳарбий суди раисининг ўринбосари

Омонов Фазлиддин Келдиёрович - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

Сатторов Обиддин Усанович - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳининг секция командири

Тўраев Беҳзод Маҳсудович - Чирчиқ олий танкчи қўмондонлик-муҳандислик билим юртининг курсанти

Турсунбоев Аброржон Ўктамович - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳининг секция командири

Ўктамов Хайрулло Рустамжонович - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий техника билим юртининг ўқитувчиси

Ҳамидов Фарҳод Адизович - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳининг мутахассиси

Худенов Ҳасан Юсупович - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

Эргашева Замира Файзуллаевна - Ҳарбий-қурилиш йўналишидаги Самарқанд академик лицейининг ўқитувчиси

Юсупов Жасурбек Одамбоевич - Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Хоразм вилояти бошқармасининг кичик инспектор-кинологи

Юсупов Зуҳритдин Юсупхонович - Наманган вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси авария-қутқарув гуруҳининг ҳайдовчиси

Якушкин Александр Владимирович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2009 йил 12 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

МАЪРИФАТ

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Халқнинг суянчи ва таянчи

у ерда талабалар ўз истеъдодини намойиш қилишмоқда

"Жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч - маърифатдир" деб таъкидлайди Юртбошимиз. Дарҳақиқат, илм чироғини ёқаётганлар келажак пойдеворини яратувчи бунёдкорлар саналади.

Пастдарғом педагогика ва спорт коллежининг жонкуяр ўқитувчи-мураббийлари ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан билимли ва баркамол инсонлар бўлиб етишувида фидойилик кўрсатишмоқда.

- Илм даргоҳимизда 46 нафар малакали мутахассис ва ўқитувчилар, 510 нафардан зиёдроқ талабага тегишли ихтисосликлар бўйича билим ва кўникма бераётирлар,- дейди коллеж директори Хуббим Ҳамдамов. - Коллежда бешта мутахассислик бўйича ўқувчилар касб сирларини ўрганишмоқда. Таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш сифат ва самарадорликни таъминловчи кўплаб омилларга ҳам боғлиқ.

Илм даргоҳида орзу-умидлари бир олам ўқувчиларни, уларга меҳр билан илм улашаётган мураббийларни кўриб қувондик. Коллеж ўқувчиси Ҳурматой Маҳмудова ёшлигиданоқ тикувчилик, рассомчилик ва дизайн санъатига қизиқиб келади. Коллежда эса унинг қобилияти янада шаклланишида устози Гулфинисо Қўчқорованинг ҳиссаси катта.

Ҳурматой Маҳмудова "Зулфияхоним қизлари" кўрик-танловининг вилоят босқичида иккинчи ўринни эгаллади. 105-гуруҳ талабаси Мадина Аҳмедова майин ва ширали овоз соҳибаси. У вилоят ва республика кўрик танловларида фаол қатнашиб келади. Маданият йўналиши бўйича ўтказилган вилоят босқичида фахрли 3-ўринни эгаллади. - Ниятим албатта республикада ғолиб бўлиб, Зулфия мукофотига сазовор бўлиш,- дейди.

Талабалар ҳаётий мисолларга асосланган дарслардан кўнгли тўлиб чиқади. Турли тадбирлар, фан тўгараклари, касб сирларини мукаммал ўзлаштиришларига ҳисса қўшмоқда. Конституциямизнинг 16 йиллигига бағишлаб коллежда "Конституция — бахтимиз қомуси", гуруҳлар ўртасида "Сиз қонунни биласизми?" кўрик-танловлари ўтказилди. Унда ғолиб чиққан гуруҳ талабалари моддий ва маънавий рағбатлантирилди.

"Ёш иқтисодчи", "Ўлкашунослик", "Ҳуқуқшунослик", "Ёш мусаввирлар", "Алгоритм" тўгаракларининг ҳар бирида 30 нафар ўқувчи иштирок этади.

Ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун талабалар уйида "Оила муқаддас ватан" мавзусида давра суҳбати, "Одобнинг зийнати", "Аёл оила таянчи" каби мавзуларда баҳс-мунозара кечалари ўтказиб турилади.

Коллежда талабаларнинг спортга бўлган қизиқишларини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Замонавий спорт зали, волейбол, баскетбол, қўл тўпи, спорт майдончалари, сузиш ҳовзаси ёшлар ихтиёрида.

Коллеж ўқувчиси, спорт устаси Феруза Нарзуллаева 1991-1992 йилда туғилган қизлар ўртасида ўтказилган кураш бўйича Ўзбекистон чемпионатида 1-ўринни эгаллади. Коллежнинг баскетбол жамоаси қизлари Малика Ражабова, Сайёра Оққўзиева, Велина Алиева вилоят терма жамоаси аъзолари ҳисобланишади.

Жисмоний тарбия ўқитувчиси Элзора Умирова Тошкентда ўтказилган самбо бўйича Осиё чемпионатида кумуш медални қўлга киритди. Коллеж ободончилик ишларидан ҳам четда қолмаган. Талабалар Жума шаҳрининг "Пўлатчи" маҳалласида амалга оширилаётган ишларга яқиндан кўмаклашмоқда. 2000 тупга яқин ниҳоллар экилиб, парваришланмоқда. Истиқлол қалдирғочлари-келажагимиз бунёдкорлари бўлган ёшлар эртага катта ташаббусларнинг, бетакрор кашфиётларнинг ижодкорлари сифатида жамият тараққиётига улкан ҳисса қўшадилар.

2009 ЙИЛ — "ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ЙИЛИ"

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"да Риштон туманидаги марказий шифохона бутунлай қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Кўркам қиёфа касб этган мазкур саломатлик маскани замонавий тиббий жиҳозлар билан ҳам тўлиқ таъминланди.

Шифо масканининг янги қиёфаси

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотлар бугун ўз самарасини бермоқда. Соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўлида аниқ тизим яратилди. Айниқса, чекка қишлоқлардаги қишлоқ врачлик пунктларининг замонавий талаблар асосида тиббий хизмат кўрсатиши аҳоли саломатлигига берилаётган эътибордан далолатдир.

– Аҳоли бу ердаги замонавий тиббий шароитлардан жуда ҳам миннатдор бўлишмоқда, – дейди Риштон туман тиббиёт бирлашмаси бош врачи Алишер Олимов. – Шифохонада ҳар қандай касалликка ташхис қўйиш, даволаш учун имкон, шарт-шароитлар яратилган. Қурилиш-таъмирлаш ишлари учун бир миллиард уч юз миллион сўмдан ортиқ маблағ сарф этилди. Ички касалликлар, болалар, жарроҳлик бўлимлари, диагностика марказлари янги асбоб-ускуналар билан бойитилмоқда. Туғриқ мажмуаси эса "Осиё Тараққиёт банки" кредити ҳисобига энг замонавий туғруқ анжомлари билан таъминланди.

ЖАРАЁН

ИСЛОҲОТ САМАРАЛАРИ

Сайёра ҲАЙИТБОЙ қизи,
“Milliy tiklanish” мухбири

Яшараётган кўҳна замин

Истиқлол туфайли юксак тараққиётга юз бурди



Бизнинг аждодларимиз ҳамиша узоқни кўзлаб яшаган. Миллат, Ватан, халқ истиқболи деган муқаддас тушунчалар ҳамма вақт қалбимизни тўридан жой олиб, ҳар биримизнинг ҳаётимизда, онгимизда чарх уриб туриши даркор. Чинакам халқ бўлсак, чинакам миллат бўлсак, улкан, қудратли дарёга айланайлик, фарзандларимизга ўзгалар ҳавас қиладиган озод ва обод ватан қолдирайлик.

Ислом КАРИМОВ

Урганч

Урганч — Хоразм вилоятининг маркази. У қадимда Гурганж деб аталган. Амударёнинг қуйи қисмида жойлашган шаҳарнинг умумий майдони 28,7 кв.км.ни ташкил қилади. Аҳолиси 140 минг нафардан иборат.

Урганч Давлат университети, Тиббиёт академияси, Тошкент Ахборот технологиялари университети филиалларида бугунги куннинг бахтиёр авлоди, эртанги кун эгалари замонавий илмлардан сабоқ олмоқдалар. Огаҳий номидаги вилоят театри республикамизнинг отахон театрларидан бири ҳисобланади. Барча шароитлар яратилган, 20 га яқин кутубхона эртаю-кеч китобхонлар хизматида. Бундан ташқари Урганчда вилоят тарихий ва ўлкашунослик музейи, Халқаро “Олтин мерос” хайрия жамғармаси тасарруфидаги ўлкашунослик музейи фаолият кўрсатмоқда. Уларда халқимизнинг 2-3 минг йиллик тарихини акс эттирувчи 4 мингдан зиёд экспонат мавжуд.

Шаҳарда, айниқса истиқлолдан сўнг саноат ривожланди. Халқаро мақом номини олган Урганч аэропортида бугунги кунда энг замонавий ҳаво кемаларининг учиб қўниши учун шароит ва имконият яратилди. Улар орқали нафақат маҳаллий йўналиш, балки кўплаб хорижий давлатлар билан ҳам бевосита боғланиш мумкин.

Истиқлол йилларида, хоразмликларнинг минг йиллик орзуси ушалди. Хазорасп ҳудудида Амударё кўприги қурилиб ишга тушди.

Урганч Буюк ипак йўлида жойлашгани сабабли ҳам иқтисодий- сиёсий ва маданий жиҳатдан равнақ топган.

Тарихий манбаларда Урганч шаҳрига бундан IV асрча олдин Хива хони Абулғози Баҳодирхон томонидан асос солингани қайд этилади. Хоразмлик шоир ва мутафаккир Шермуҳаммад Муниснинг “Фирдавсул иқбол” асарида бу ҳақда маълумот бор.

Хоразмликлар довюрак ва жасур саркарда Жалолиддин Мангуберди, буюк математик олим Ал- Хоразмий, кураги ерга тегмаган рубоийнавис Паҳлавон Маҳмуд, хон ва шоир Муҳаммад Раҳимхон Феруз, Огаҳий, Мунис Хоразмий, Шермуҳаммад Мунис каби кўплаб ўғлонлари билан фахрланади. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин эди, лекин бизнинг асл муддаомиз бошқа. Биз бугун фақат аждодларга муносиб авлодлар, яъни бугунги Урганч ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. Зеро, истиқлол туфайли, у ерда яшаётган элнинг саъй-ҳаракати, бунёдкорлиги сабаб қиёс эканлиги ҳақида Президентимиз ўз маърузаларининг бирида шундай деган эдилар: “Маҳалладек ноёб тизим ҳақида ортиқча гапириб ўтиришга эҳтиёж йўқ деб ўйлайман. Нега деганда ҳар қайси инсон, ҳар қайси хонадон ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, одамларнинг бошини қовуштириш, турар жойларда тартиб-интизомни мустаҳкамлашда, ўзини-ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли, аҳамияти ва моҳияти кундан-кунга ошиб бораётганини барчамиз кўриб турибмиз”.

Шунинг учун ҳам бугун маҳаллага давлат миқёсида эътибор қаратилмоқда, янги ҳуқуқ ва ваколатлар берилмоқда.

Урганч шаҳридаги 35 та маҳаллани бирлаштирган “Маҳалла” жамғармасига кириб борганимизда вақт пешинга яқинлашган эди. Раис банд бўлгани сабабли қабулхонада бир оз кутишга тўғри келди. Чоғроққина, шинам ва ораста хонани кўриб хаёлимизга ўтмиш воқеалари билан боғлиқ манзаралар келди. Болалигимизда уйдагилар маҳалла идорасига бориб, у ердан маълумотнома олиб кел дейишса безиллаб турар эдик. Чунки қачон қарама, пешонасига катта қулф осиб қўйиладиган идора олдида баъзан соатлаб қолиб кетишга тўғри келарди. Очилишидан очилмаслиги кўпроқ аён идорадан бир парча қоғозни олиш гоҳо бир ҳафта, баъзида ундан ҳам кўпроққа чўзилар эди. Бугунчи? Бугун маҳалла идорасига хоҳлаган пайтда бориб исталган маълумотни олиш мумкин. Аммо бу ҳодисани биргина яхши шарт-шароит билан боғлаш камлик қилади назаримизда. Ўз ишига сидқидилдан ёндошаётган фуқаролар сабаб бугун маҳаллалар гуллаб яшнамоқда.

- 35 та маҳалланинг ҳаммаси ҳам мен учун қадрдон ва бирдай азиз,- деб биз билан суҳбатлашади маҳалла жамғарма раиси, кўп йиллар суяги меҳнатда қотган тажрибали ходим Қодир ака Раҳмонов. - Барча МФЙлар қошида “Ёшлар комиссияси”, “Хотин-қизлар билан ишлаш”, “Яраштириш” ва “Тўй ва маъракаларни тартибли ўтказиш” комиссиялари, жами 17 та коммиссия ташкил этилган. Маҳаллаларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги “Миллий ғоя тарғибот ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги Фармони асосида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Барча маҳаллаларда “Қонун ҳаммага баробар”, “Қонун устуворлиги” мавзуларида соҳага алоқадор мутахассислар иштирокида учрашув, давра суҳбатлари ўтказиб борилмоқда. Ҳар йили Наврўз байрами арафасида барча маҳаллаларда умумхалқ хайрия ҳашарини уюшқоқлик билан ташкил қилиб, шаҳарда кенг миқёсда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширамиз. Биргина ўтган йилни оладиган бўлсак, 64 минг манзарали, 16,2 минг мевали дарахтлар, 14,8 минг дона гул кўчатлари экилгани, кам таъминланган 48 та оилага ҳомий ташкилот ва саховатпеша фуқаролар томонидан беминнат ёрдам кўрсатилганини эътироф этишимиз мумкин. “Маҳалла куни” тадбирининг юқори савияда ўтиши таъминланиб, тадбирда мавжуд муаммолар ўз ечимини топмоқда. Маҳалла маслаҳатчилари саъй-ҳаракати билан хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича ҳам бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. 150 нафардан ортиқ хотин-қизлар иш ўрнига эга бўлди. Маҳаллаларда спорт мусобақалари ташкил этиш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Шаҳар маҳаллалари ичида 15- ва 16- сон МФЙ ва уларнинг жонкуяр аъзолари барча маҳаллаларга ўрнак бўлмоқда.

Ростдан ҳам 3000 дан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган каттагина 15- маҳалланинг файзи бўлакча экан. Кўчаларига кирсангиз ҳавас қиласиз. Ҳаммаёқ чиннидай тоза, супириб сидирилган. Яқинда иш бошлаган МФЙ раиси С.Ғойибовга маҳалла фаоллари Э.Матсафоев, Т.Болтаев, М.Болтаев, Ҳ.Отажоновлар билмаганини ўргатиб яқиндан ёрдам бермоқдалар. Маҳалла аъзолари Ш.Машарипов, М.Сафаров, И.Юсуповлар учун турли байрамлар арафасида кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиш деярли анъанага айланган.

> Урганчда вилоят тарихий ва ўлкашунослик музейи, Халқаро “Олтин мерос” хайрия жамғармаси тасарруфидаги ўлкашунослик музейи фаолият кўрсатмоқда. Уларда халқимизнинг 2-3 минг йиллик тарихини акс эттирувчи 4 мингдан зиёд экспонат мавжуд.

- Биз доимо маҳалла тинч-юрт тинч, деган ақидага амал қиламиз,- дейди биз билан суҳбатда 15- сон МФЙ раиси С.Ғойипов. - Зиммамга катта масъулият юкланганида олдинига иккиланган эдим. Иш бошлагач эса хавотирим ноўрин эканлигини англадим. Сабаби бу ерда ёлғиз эмаслигимни, ишонса, суянса бўладиган маҳалладошларим борлигини ҳис қилдим. Қадрдон маҳалламизни бундан кейин ҳам обод ва фаровон қилиш йўлида ҳаракат қиламиз. Мустақиллигимизнинг 17 йиллик байрами арафасида маҳалламиз фуқароси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, тажрибали педагог, Урганч автомабиль ва йўллар коллежи директори Э.Каримовнинг “Ўзбекистон Қаҳрамони” олий унвонига муносиб топилиши бизни ҳам бениҳоят ғурурлантириб юборди. Маҳаллада Эгамберган акага ўхшаган фидойи инсонлар кўп ва биз улар билан доимо фахрланамиз. Сенаторнинг маҳалла фуқаролари билан тез-тез учрашиб, ҳар жиҳатдан ёрдам бераётганидан хурсандмиз.

- Энг асосий вазифамиз - деб суҳбатни давом эттиради маҳалла жамғарма раиси К.Раҳмонов.- Фуқаролар ўртасида оила - муқаддас қўрғон эканлигини тушунтириш, тинч-осойишталикни таъминлаш, оилавий можоролар, қўйдичиқдиларга барҳам бериш.

Бизда яхши мактаблар кўп

- дейди шаҳар халқ таълими бўлими ДТС мониторинг маркази бош эксперти, “Халқ таълими аълочиси” М.Раҳмонова. Тўғри барча жамият ва даврда инсониятнинг илм олишга бўлган интилиши қадрланган. Бироқ шуни фахр билан айтиш мумкинки, ҳеч қайси замонда бу соҳага ҳозиргидай катта эътибор қаратилмаган. Барча жабҳаларда бўлгани каби бу соҳада ҳам ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Биз шаҳар мактаблари ҳаёти билан яқиндан танишиш ниятида шаҳар халқ таълими бўлимига йўл олдик. Суҳбатдошимиз Мира опа Раҳмоновага

- Энг яхши мактабларингизга бошланг, деб ҳазиллашамиз.

- Бизда яхши мактаблар кўп. Аммо, нисбатан гапирадиган бўлсак 3, 5, 24 ва 26-сонли мактабларни алоҳида эътироф этишимиз мумкин. Негаки, бугун улар нафақат шаҳарда, балки вилоятда ҳам ўз нуфузига эга ибратли билим масканларидир.

Гап билан бўлиб манзилга етиб келганимизни ҳам сезмай қолибмиз. Шаҳар марказида жойлашган 3-сон мактаб тарихига кўз югуртирамиз.

1993 йилда мактаб учун 844 ўринли янги ўқув биноси қурилди. 2005-2006 ўқув йилида мактаб қайта таъмирдан чиқарилди. Ҳозирда масканда 2000 нафарга яқин ўқувчи сабоқ олмоқда. 2007-2008 ўқув йилида мактаб барча кўрсаткичлар бўйича юқори натижаларга эришиб шаҳарда биринчи ўринни эгаллади. Бу ютуқларда, албатта, ёш, ташаббускор мактаб директори И.Қобулованинг хизматлари катта.

- Ота-оналар орасида бизнинг мактабга бўлган талабнинг катта эканлигидан очиғи жуда хурсанд бўламан, -дейди мактаб директори И.Қобулова. - Бунинг сабабини бизда ўқитиш ишлари аъло даражада йўлга қўйилганида деб биламан. Мақсадимиз пешқадамликни қўлдан бермаслик. Мактабимизда жуда кўп эл ардоғидаги инсонлар таълим олган.

Ўтган йили битирувчиларнинг 76 фоизи олий ўқув юртларига ўқишга киришди.

1990 йилда иш бошлаган, 2005 йилда қайта таъмирдан чиққан 26-мактаб салкам 1000 нафар ўқувчини ўз бағрига олган. Мактабдаги компьютер хонаси, лингафон синфлари, катта фондга эга кутубхона, спорт ва фаоллар зали, буларнинг бари ўқувчилар хизматида. 2007-2008 ўқув йилларида шаҳар мактаблари орасида барча кўрсаткичлари бўйича 2-ўринни эгаллаган таълим масканида айни дамда 66 нафар малакали педагог ўқувчиларга сабоқ бермоқда. Мактабнинг иқтидорли ўқувчиларидан А.Содиқов, “Устозим-меҳр қуёшим” иншо танловининг вилоят босқичида ғолиб бўлиб республикада фахрли 3-ўринни, 3-Б синф ўқувчиси А.Аминовнинг шахмат ва шашка бўйича республика босқичида қатнашиб 2-ўринни эгаллашгани таълим ва тарбия ишларига катта эътибор билан қаралаётганидан далолатдир. Мактабда ўқувчиларни юқори савияда ўқитишдан ташқари турли хил тадбирлар, кечалар ўтказиш ҳам яхши йўлга қўйилган. Республика миқёсида ўтказилган “Диққат, болалар” тадбири асосида “Яшил чироқ” мусобақаси ташкил қилинди. Шаҳар ИИБ ЙХХБ билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда ўқувчилар йўл ҳаракатига доир маълумотлар билан ўз билимларини янада бойитдилар. “Йил ўқитувчиси” кўрик танлови шаҳар босқичида муваффақиятли қатнашган мураббийлар Н.Болтаева, Ш.Одамбоевалар 2-ўринни эгалладилар.

Ота-оналар билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган,- дейди биз билан суҳбатда мактаб директори малакали педагог М.Жабборова. - Биз улар билан доимо алоқадамиз. Кўриб турганингиздек, бу иш яхши самара бермоқда. Бола тарбиясида оиладаги муҳит ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Энг муҳими, ота-оналар боласининг яхши ўқишидан манфаатдор. Ҳа, баҳамжиҳатликда гап кўп. Айниқса унда икки томоннинг ҳам манфаати кўзланган бўлса.

Йўл юриб чарчамаган ёши улуғ опахонга қараб ҳайрон бўламан. Ўйларимни сезгандай Мира опа гап бошлайди.

- Сочларим шу даргоҳда оқарди. Нафақага чиқиб масза қилиб уйда ўтирсам ҳам бўлади-ю, лекин нима қилай ўрганган кўнгил... Қолаверса, бизга ўхшаганларнинг тажрибаси ёшларга асқотиб қолар деб юрибмиз-да,- кулади Мира опа.

Шаҳар мактабларининг бир нечтаси билан танишиб, бу ердаги шарт-шароитларни кўриб, ҳақиқатдан ҳам опа айтганидек бир-биридан қолишмайдиган таълим маскаларининг кўп эканлигига гувоҳ бўлдик.

Мамлакатни ҳеч нарса дунёга спортчалик тезда танита олмайди

Жаҳондаги барча мамлакатларда спорт соҳасини ривожлантиришга бўлган катта эътиборни кузатамиз. Спорт юрт келажаги бўлган ёш авлодни ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом қилиб тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда мустақилликка эришилгач, барча соҳалар каби спортга ҳам катта эътибор қаратилди. Айниқса, минг йиллардан буён миллий қадриятларимиз сифатида ардоқланиб келинаётган ўйинларимиз қайта дунё юзини кўрди. Уларга спорт тури мақоми берилиб, турли халқаро ва республика мусобақалари ташкил қилинмоқда.

Хоразм воҳасида ҳам бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Спорт иншоотлари, мактаб ва коллежларда спорт заллари бинолари қуриб ишга туширилди. 2003 йилнинг май ойида Урганч “Олимпия заҳиралари” коллежининг қуриб фойдаланишга топширилгани вилоятдаги барча спортсеварлар учун айни муддао бўлди.

Коллежда бадиий гимнастика, спорт гимнастикаси, ёпиқ ва очиқ сув ҳавзаси, ёпиқ теннис корти, спорт ўйинлар зали, кураш, бокс, оғир атлетика зали, элинг (байдарка ва каноэда эшкак эшиш базаси) ўйингоҳи, тиббиёт лаборатория ва диагностика маркази, 8 та очиқ теннис корти, 3 та волейбол, 3 та баскетбол, 2 та қўл тўпи, бадминтон ва 2 та мини футбол майдонлари мавжуд бўлиб, бу масканлар доимо ўқувчи ёшлар билан гавжум. Айни дамда коллеж ва унинг қошида ташкил қилинган мактаб-интернатида ўқувчи ва маҳалла ёшлари спортнинг 28 тури бўйича ўз маҳоратларини ошириш имкониятига эгадирлар.



Коллежнинг замонавий спорт инвентарлари билан таъминлангани унда спортнинг барча турлари бўйича республика ва халқаро мусобақалар ўтказиш имкониятини беради.

Ҳозирда 3 та йўналиш мураббий ўқитувчи, таълим-тарбия (бошланғич синфларда меҳнат тарбияси ташкилотчиси, куни узайтирилган гуруҳ тарбиячиси), жисмоний тарбия ўқитувчиси мутахассислиги бўйича 1200 нафар талаба, коллеж қошида ташкил этилган мактаб-интернатида эса 300 нафар иқтидорли ёшлар таълим олмоқда. Уларга 89 нафар олий маълумотли ўқитувчи-педагог, 39 нафар спорт усталари қунт билан сабоқ бермоқда. Ўтган шу қисқа давр ичида 4 нафар халқаро тоифадаги спорт устаси, 28 нафар спорт устаси, 212 нафар спорт усталигига номзод, 800 нафарга яқин оммавий тоифага эга спортчилар тайёрланди. Коллежда спортнинг миллий кураш тури бўйича Ўзбекистон биринчилиги, сузиш бўйича Ўзбекистон чемпионати, бадиий гимнастика, эркин кураш, теннис, волейбол бўйича XIII олий лига ва халқаро мусобақалар олий даражада ўтказилди. Мазкур ўқув юртида “Умид ниҳоллари - 2003” спорт мусобақаси ҳам юқори савияда бўлиб ўтганди.

Бу ерда яратилган шарт-шароитни кўриб, очиғи ҳавасланасиз. Ёш бўлишига қарамай катта муваффақиятларни қўлга киритаётган коллеж талабаёшларига, улар кўксини безаб турган медалларга қараб қалбинг фахру-ифтихорга тўлади. Нафақат республика балки, халқаро мусобақаларда иштирок этиб фахрли ўринларни эгаллаётган ёш иқтидор эгаларидан эрта бир кун албатта жаҳон чемпионлари етишиб чиқишига ишонамиз.

Сўнги сўз ўрнида ёки яшараётган Урганч

Бундан кўп эмас, ўн йиллар олдин Урганчга келган киши уни бугунги қиёфаси билан солиштирадиган бўлса, танимай қолиши шубҳасиз. Тарихан қисқа, аммо асрларга татигулик улкан ўзгаришлар қилинаётган республикамизда, қолаверса воҳа пойтахти Урганчда ҳам жуда катта кўламда бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Янгидан-янги замонавий иншоотлар қад кўтармоқда, таъмирталаб бинолар қайта таъмирланмоқда. Хусусан Деҳқон бозорининг бугунги кўринишига 2 млрд. сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Барча қулайликларга эга буюм бозорининг қурилиш ишлари ҳали давом этмоқда. Деярли янгиланмаган мактаб, идора, ташкилотлар қолмади ҳисоб.

Қуриб битказилиб фойдаланишга топширилган муҳташам, замонавий коллежлар ҳақидаку гапирмаса ҳам бўлади. Айниқса, маданий ҳордиқ чиқариладиган истироҳат боғлари шаҳар кўркига кўрк қўшиб турибди. Илгари шаҳарда атиги битта истироҳат боғи бўлар, у ҳам қаровсиз ва ташландиқ аҳволда эди. Бугун уларнинг сони 6 тага етди. Жалолиддин Мангуберди боғ мажмуасида халқнинг миллий қаҳрамони, саркарда шарафига қурилган ҳайкал хоразмликларга Президентимиз томонидан ажойиб туҳфа бўлди, десак муболаға қилмаган бўламиз. Шахсан Юртбошимиз ташаббуси билан шаҳар марказида бунёд этилган янги майдон, унда қад ростлаган, дунё тараққиётига муносиб улуш қўшган буюк математик олим Ал-Хоразмий ҳайкали ҳар бир хоразмлик қалбини тўлқинлантирди. Сабаби истиқлол туфайли дориламон кунларга эришилди. Юртбошимизнинг биздан озод ва обод ватан қолсин шиорига амал қилиб иш юритаётган, шаҳарни бундан-да кўркам, элни фаровон қилиш учун тинимсиз изланаётган урганчлик мутасаддилар, хусусан унинг хокими Б.Оллоберганов-нинг барча ўйлаган ниятлари амалга ошишини истаймиз. Зеро, янги 2009 йил “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” урганчликлар учун ҳам омадли ва хайрли келишига шубҳа йўқ.



МАЪНАВИЯТ

ТАРИХ ВА ТАҚДИР

Навоий ва шаҳзода Бадиуззамон

Фатҳулла НАМОЗОВ,
Бойсун туманидаги
2-мактаб ўқитувчиси

Ҳусайн Бойқаро Ҳирот тахтига чиқмасидан аввал маълум муддат Самарқандда Султон Абусаид Мирзо саройида хизмат қилди. Абусаид Мирзо уни илиқ кутиб олиб, темурийларга хос ихлос билан унга чин эътиқод қўйган эди. Аммо Султон Увайс унга қарши бош кўтариб, ҳужум қилганидан сўнг Абусаид Мирзонинг Ҳусайн Бойқародан кўнгли қолди. Ихлоси қайтган подшоҳ бошқа шаҳзодалар қатори Ҳусайн Бойқарони ҳам ҳибсга олди. Чунки тож-тахтни кўзлаб, эртами-кечми Ҳусайн Бойқаро ҳам бош кўтариши мумкин эди. Буни Султон Абусаид кеч бўлса ҳам тушуниб етади.

Султон Ҳусайннинг ҳибсга олингани онаси Ферузабегимнинг қулоғига етиб борди. Ҳиротдан зудлик ила етиб келган она ўғлини қутқариб олди. Султон Абусаид Мирзо билан алоқани бутунлай узган Ҳусайн Бойқаро онасига қўшилиб, шитоб билан Самарқандни тарк этди. У Ҳиротга эмас, балки Марвга йўл олди.

Бу пайтда Марвда Султон Санжар ҳукмронлик қиларди. У Султон Абусаид Мирзонинг ашаддий душмани эди. Султон Санжар Ҳусайн Бойқарони қучоқ очиб кутиб олди, унинг саркардалик маҳоратини юқори баҳолади. У Бойқаро билан янада яқинроқ бўлишни истарди. Шу мақсадда уни ўзига куёв қилди. Бека Султонбегим исмли қизини унга хотинликка берди. Шундай қилиб, Султон Ҳусайн Бойқаро Марв ҳукмдори Султон Санжарга куёв бўлиб қолди. Бадиуззамон Мирзо Ҳусайн Бойқаронинг ана шу хотинидан туғилган тўнғич фарзанди эди. Ўша давр одатига кўра, у бўлажак тахт эгаси, яъни валиаҳд ҳисобланган. Бадиуззамон Мирзо ғайрат ва шижоатда, юртни бошқариш ва саркардаликда бошқа темурий шаҳзодалардан ажралиб турарди. Улуғ шоир Алишер Навоий у ҳақида ифтихор билан сўзлаб, ички ва ташқи фазилатлари туфайли юксак мақом ("Ҳусни сурот ва ҳусни сийрат била ораста ва жамоли зоҳирий ва камоли ботиний била нийроста йигитдур") эгаси эканини алоҳида таъкидлайди. Мирзонинг яна бир жиҳати шеърият билан машғул бўлиши, шоирлиги эди. ("Табъи ҳам назм услубида мулойимдур"). Навоий Бадиуззамон Мирзонинг форс ҳамда туркийда қалам тебратганини айтиб, уни ўзбек тилида битилган шеъридан бир байт келтиради:

Эй сабо, гар сўлса ҳолим шаммаи ул сарвиноз,
Эврулиб бошиға мен саргаштадин еткур ниёз.

Алишер Навоий Бадиуззамон Мирзога умид билан қарар, уни келажакда мамлакатни адолат билан бошқаришига, юрт ободончилиги учун жон куйдиришига чин юракдан ишонарди. Шоирнинг Бадиуззамон Мирзога битган мактублари ҳамда унга бағишланган шеърий сатрлари синчиклаб ўрганилса, аён бўладики, Навоий шаҳзодани ҳамиша кузатиб юрган, унинг ютуқларидан муттасил қувонган, хато-камчиликларидан меҳрибон оталардек куйинган. Билиб туриб йўл қўйган нотўғри хатти-ҳаракатларини эса рўй-рост юзига айтиб, уни бу йўлдан қайтаришга уринган. Ўз навбатида Бадиуззамон ҳам Навоийга чинакам ихлос қўйган, уни меҳрибон устоз ва мураббий сифатида ҳамиша эъзозлар эди. Ҳатто, энг қалтис вазиятларда ҳам шоирнинг айтганларини сўзсиз бажарган, унинг сўзини икки қилмасликка интилган. Бадиуззамон Мирзо Навоийнинг таъна дашномларини, танбеҳларини ҳамиша эътирозсиз қабул қилган. Навоий билан Бадиуззамон ўртасидаги муносабатнинг самимийлиги ҳозирга қадар бизга ота-бола ўртасидаги назокатли ва нафис муносабатни эслатади.

> Алишер Навоий отага қарши бош кўтарган Бадиуззамон Мирзони отаси билан яраштириш учун кўп саъй-ҳаракат қилгани тарихий асарлар орқали маълум. Шоир Бадиуззамонга юборган бир мактубида ота билан юрт талашиш эл бошига кўп фалокатлар келтиради, деб ташвиш билдирарди.

Аммо шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, Султон Ҳусайн Бойқародек подшоҳнинг бу тўнғич ўғли барча темурий шаҳзодалар каби тожу-тахтга ниҳоятда ўч эди. Унинг ўз отасига қарши бош кўтариб исён оловини ёққанлиги, мамлакат, юрт бошига катта ташвиш ва таҳлика туғдиргани маълум. Ота-бола ўртасидаги ушбу беҳуда ихтилоф ва низо туфайли ҳисобсиз қонлар тўкилди, кўпгина ёш йигитлар умри хазон бўлди. Бадиуззамон Мирзо учун бу тожу-тахт талашлари ғоят қимматга тушди. У даставвал Зулчароғ номли манзилда, иккинчи марта эса Нишин яйловида отаси томонидан тор-мор этилди.

Ҳусайн Бойқаро билан Бадиуззамон Мирзо ўртасидаги келишмовчиликларнинг келиб чиқишига фақат шаҳзодани айблаш адолатдан бўлмайди, албатта. Даставвал, Астрободни Бадиуззамонга берган Ҳусайн Байқаро хотини Хадичабегимнинг қутқуси билан бўлса керак, ниятидан қайтиб, уни Музаффар Мирзога топшириш ҳақида махсус фармон беради. Бадиуззамон Мирзони эса Астробод ҳокимлигидан озод этиб, уни Балх ҳокими этиб тайинлайди. Ушбу фармон шаҳзоданинг ғазабини оширади. Чунки Астробод ҳокимлигидан кетиш Бадиуззамон Мирзонинг валиаҳдликдан маҳрум этилиши билан баробар эди.

Хуллас Султон Ҳусайн Бойқаронинг Бадиуззамон Мирзони Астробод ҳокимлигидан маҳрум этиш тўғрисидаги фармонига Бадиуззамон бўйсунмай, уни бажаришдан бош тортади. Саркаш шаҳзода ўзининг ўн икки ёшли ўғли, дадил ва жасур Мўмин Мирзони Астрободда қолдириб, шаҳарга Музаффар Мирзони киритмасликни тайинлади. Ўзи эса Балх сари йўл олади. Отасининг Хадичабегим гапига кўниб, бундай иш тутишидан қаттиқ ғазабланган Бадиуззамон Мирзо: "Астрободга одам юбориб, овора бўлманг. Уни барибир бермайман", деган мазмунда мактуб жўнатади.

Алишер Навоий отага қарши бош кўтарган Бадиуззамон Мирзони отаси билан яраштириш учун кўп саъй-ҳаракат қилгани тарихий асарлар орқали маълум. Шоир Бадиуззамонга юборган бир мактубида ота билан юрт талашиш эл бошига кўп фалокатлар келтиради, деб ташвиш билдирарди. Шаҳзодани тўғри йўлга бошлаш учун жон куйдирар ва уни инсофга чақирарди. "Мен бу гапларни бировнинг гапи билан эмас, балки ота-бола ўртасидаги муносабатлардан яхши хабардор бўлганлигим учун айтаман", деб алоҳида уқтирди шоир.

Навоийнинг Бадиуззамон Мирзога йўллаган иккинчи мактуби Тангри ризоси ота ризоси билан баробардир, шунингдек, Аллоҳ ғазаби ҳам ота ғазаби билан қўшилиб кетади, деган гаплар билан бошланди. Шоир Бадиуззамон Мирзога қарата, кимки отасини рози қилса, у тангрини ҳам рози қилган бўлади, акс ҳолда Худонинг ғазабига дучор бўлади, дейди. Шундай экан, ким отага қарши бош кўтариб чиқа олади?!

Навоийнинг фикрича, фарзанд учун ота қудратли тарбиячи, она эса қонуний ризқ берувчидир. Шу ўринда Навоий туркигўй шоир Аҳмад Югнакийнинг бир тўртлигини мисол келтиради. Ундаги "Атодин хато келса, кўрма хато", дейиш билан Ҳусайн Бойқаро томонидан Бадиуззамон Мирзога нисбатан йўл қўйилган нотўғри хатти-ҳаракатни ғоят пардали тарзда қайд этиш баробарида "Бу хатони савоб бил", яъни бу ҳолни дастак қилиб, отага бош кўтариш ниҳоят улуғ гуноҳ эканлигини таъкидлайди.

Навоий мазкур мактубда Бадиуззамон Мирзонинг ўз отасига қарши йўл қўйган камчиликларини рўй-рост санаб ўтган, унга танбеҳ берган. Султоннинг ўғли эканлигига қарамай, аямай танқид қилган.

Ўшанда Бадиуззамон Мирзо вилоятдан келадиган барча даромадни ўз ихтиёрига олиб қўйган эди. Бу ўша даврда амалда бўлган қонунларга мутлақо зид эди. Иккинчидан, шаҳзода Ҳусайн Бойқаро фармонига сўзсиз бўйсуниш ўрнига ундан бўйин товлаб густоҳлик қилган. Маълумки, густоҳлик андишасизлик, ибосизликдан иборат. Учинчидан, ҳали қўлга кирмаган Ироқ вилоятини отаси билан маслаҳатлашмай, келишмай туриб, ўз тасарруфига киритган эди. Бунда Бадиуззамон томонидан йўл қўйилган хато шунда эдики, у ўз нишони, яъни фармон ва бошқа расмий ҳужжатларида отаси Ҳусайн Бойқаронинг номини чиқариб ташлаганди. Бу эса ўша замонда амалда бўлган давлат юритиш тартибларига мутлақо зид бўлган. Мавжуд қонунга мувофиқ, вилоят ҳукмдорлари ҳар бир расмий ҳужжатда мамлакат ҳукмдорининг номини тилга олишлари шарт эди.

> Алишер Навоий бу пайтда ҳажга бориш учун йўлга чиққан ва Машҳадга етган эди. Подшоҳ мактуби хусусида шоир Машҳад улуғлари билан маслаҳатлашди. Улар мамлакат осойишталиги учун шоирдан ҳаж сафарини қолдириш зарурлигини таъкидладилар.

1496-1497 йилларда ота-бола ўртасида кескин уриш ҳуракатлари бошланиб кетди. Бадиуззамон Мирзони панд-насиҳат билан тўғри йўлга солишга кўзи етмаган Навоий уларни яраштириш мақсадида Балхга жўнайди. Навоийни ўзига устоз деб билган, чин дилдан ҳурмат қилган шаҳзода унинг бирор гапини икки қилмай, шоир қўйган барча шартларга сўзсиз рози бўлди. Аммо музокаралар ижобий якунланиши олдидан Бадиуззамон Мирзонинг одамлари подшоҳнинг махфий фармонини қўлга туширдилар. Балх шаҳрининг кутволи (коменданти)га йўлланган ушбу фармонда Бадиуззамонни шаҳарга киритмаслик ва қўлга тушириб, зиндонбанд қилиш буюрилган эди. Фармонни ўз кўзи билан кўрган Навоий Султон Ҳусайн Бойқаронинг бу хатти-ҳаракатидан қаттиқ норози бўлади. Натижа шу бўлдики, фармон туфайли шаҳзода отаси билан ярашиш фикридан воз кечди ...

Ниҳоят, ота-бола темурийзодалар ўртасидаги омонсиз жангда Бадиуззамон енгилди. Кейинги куни Музаффар Мирзо Астрободни босиб олиб, Мўмин Мирзони макр билан қўлга тушириб, асирликка олди. 12 ёшли Мўмин Мирзо Ҳиротга, Ихтиёриддин қалъасига келтирилди. Бу фурсатдан усталик билан фойдаланган Хадичабегим маккор вазир Низомулмулк билан махфий равишда тил бириктириб, Султон Ҳусайн Мирзонинг мастлиги чоғида ундан Мўмин Мирзони ўлдириш ҳақида олдиндан тайёрлаб қўйилган фармонга муҳр бостириб олдилар.

Султон ҳушига келиб, воқеанинг бутун даҳшатини англадида, дарҳол ўзи муҳр босган фармонни бекор қилди. Аммо вақт ўтган, Мўмин Мирзо аллақачон фитна қурбони бўлганди. Бу қонли воқеалар рўй берган машъум кунларда Навоий давлат ишлари билан Машҳадда эди. Шоир машъум хабардан қаттиқ ларзага тушди. "Шайх Мажддиддин Бағдодийнинг Хоразмшоҳ Муҳаммад томонидан қатл этилиши Чингизхон томонидан қирғинни бошлаб берган бўлса, Мўмин Мирзонинг ўлдирилиши ҳам худди шундай бўлажак", деб бир неча бор такрорлаганини тарихчи Хондамир эслатиб ўтган.

Замоннинг зайлига қарангки, воқеаларнинг бориши Навоийнинг юқорида айтган фикрларини тўла-тўкис тасдиқлади. Кўп ўтмай Ҳиротга Шайбонийхон бошлиқ қўшинлар бостириб кирди. 1499 йилда Султон Ҳусайн Бойқаронинг Марвда ҳокимлик қилаётган ўғли Абул Муҳсин отага қарши бош кўтарди. Қартайган, толиққан шаҳаншоҳ ўз пушти камаридан бўлган ўғилга қарши қўшин тортишга мажбур бўлди. Шунинг учун Ҳусайн Бойқаро ҳаж сафарига отланиш учун тараддуд кўраётган Навоийга мактуб жўнатиб, уни ўрдасига, ўз ҳузурига етиб келишини сўради. Алишер Навоий бу пайтда ҳажга бориш учун йўлга чиққан ва Машҳадга етган эди. Подшоҳ мактуби хусусида шоир Машҳад улуғлари билан маслаҳатлашди. Улар мамлакат осойишталиги учун шоирдан ҳаж сафарини қолдириш зарурлигини таъкидладилар. Алишер Навоий шоҳ қўшини жойлашган ўрдага етиб келди. Падарига қарши исён кўтарган Абул Муҳсин отаси билан сулҳ тузиш учун Алишернинг подшоҳ номидан вакил бўлишини шарт қилиб қўйганди. Шоир ота-болани яраштириб Ҳиротга қайтди.

Султон Ҳусайн Бойқаро салтанатига ташқи душман Шайбонийхон хавф солмоқда эди. 1500 йилда Самарқанд Шайбонийхон тасарруфига ўтди. Бу вақтда Самарқандни қўлга киритиш учун кураш бошлаган Бобур Мирзо Султон Ҳусайн Мирзо ва Бадиуззамонга одам юбориб, ундан ёрдам сўради. Аммо улардан ҳеч қандай кўмак келмади. 1504 йилда Ҳусайн Бойқаро Шайбонийхон билан бўлган жангда вафот этди. Уни шоҳона урф-одатларга амал қилиб дафн этишгач, саркардалар ва беклар ўзаро маслаҳатлашиб, Ҳирот тахтини тенг шериклик асосида Бадиуззамон Мирзо ва Музаффар Мирзога топширдилар. Бобурнинг айтишича, бу қизиқ иш, яъни подшоҳликда шериклик асосида ҳукмронлик ҳеч қачон эшитилмаган эди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур 1506 йили Ҳиротда Бадиуззамон билан учрашади. Севимли ва жасур фарзандидан ажралган, Навоийнинг панд-насиҳатларидан етарли хулоса чиқарган Бадиуззамон анчайин чўкиб қолган, ҳаётнинг омонсиз зарбаларидан соч-соқоли оқариб қолганди. Шайбонийхон Ҳиротни эгаллаганидан кейин Бадиуззамон Мирзо Туркияга кетиб қолади ва 1514 йили Истанбулда саргашталикда дунёдан кўз юмди. Ушбу воқеалардан хулоса шуки, мамлакатда тинчлик-осойишталик, ўзаро аҳиллик ва бирлик, меҳр-оқибат, ишонч ва, энг муҳими, юрт ҳукмдорининг фармон ва буйруқлари сўзсиз ижро қилиниши давлатнинг мустаҳкам ва мустақил бўлишида ҳаётий аҳамиятга эга.

ТАДҚИҚОТ

Атамалар – сочилиб ётган тарих

Маҳмуд АБУЛФАЙЗ,
«Туркистон-пресс»

Сурхон замини шундай бир ўлкаки, унинг ҳар бир қишлоғи, овули эмас, балки ҳар бир сойи, дараси, жарлиги-ю тепалиги, адирлари ҳам ғаройиб номлар билан юритилади.

Эътибор бериб қарасангиз, узоқ бир замонда ўтаётган тавакалчи одамнинг шунчаки гапи билан шундай аталиб кетмаганлигига ишонч ҳосил қиласиз. Воҳадаги ҳеч бир жой номи беҳикмат эмас. У ёки бу атама замирида ўзига хос бир тарих, ишора, у ёки бу ҳодиса жам бўлган. Масалан, Денов ва Шеробод туманларида Буйрачи деган қишлоқлар бор. Азал-азалдан уларда буйра тўқувчилар яшаб келади. Бойсун туманида Даҳнаи жом деган қишлоқ бор. Мазмуни эса дарёнинг тор жойи маъносини англатаркан. Аслида ҳам шундай. Ёки бўлмаса, Кенгузар, Зардақул, Бодиҳаво, Лабиоб, Лойлиқ, Бешэркак, Мангузар, Мачай, Вахшивор, Мармин, Ойбарак, Омонхона, Зарабоғ каби юзлаб манзилгоҳлар борки, уларнинг ҳар бири ўзига хос маъно-мазмунга эга. Бир сўз билан айтганда, воҳа кенгликлари бўйлаб сочилиб ётган манзилгоҳлар – жой номлари кўҳна тарихнинг бир кўринишидир. Айтиш мумкинки, улар тартиб билан жамланса ва ўрганилса, бағоят ўқимишли ва кўпчиликнинг эътиборини тортадиган китоб бўлади. Бу иш билан эса кўпроқ топонимлар – жой номларини тадқиқ қилувчи олимлар шуғулланишади.

Айтиш керакки, Сурхон воҳаси топонимияси ҳали тўлиқ ўрганилиб, тадқиқ этилган эмас. Бу йўлдаги ишлар дастлабки босқичда турибди. Ҳозирда саноқлигина олимларнинг бу борадаги камтарона илмий тадқиқотлари бор, холос. Термиз Давлат университети профессори, тарих фанлари доктори Сайфулло Турсуновнинг яқинда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти орқали нашр қилинган «Сурхондарё вилояти топилмалари» номли монографияси, таъбир жоиз бўлса, бу йўлдаги дадил қадам бўлди. Минг нусхада босилиб чиққан бу китоб воҳа ҳудудидаги жой номлари, атамаларни, илмий нуқтаи назардан тадқиқ этилганлиги, ишончли далилларга бойлиги билан ҳам эътиборни ўзига тортади. Айрим атамалар бир вақтнинг ўзида бир неча тилларни ўзида жам этган. Уни тўғри талқин қилиш эса анча машаққатли юмуш. Чамаси, Сайфулло Турсунов шу машаққатли ишнинг уддасидан чиқа олган.

Монографиянинг Сурхон воҳасидаги жой номларини тадқиқ қилиш, ўрганиш борасидаги жиддий иш бўлганлигини эътироф этган ҳолда шуни ҳам айтиш мумкинки, бу ҳали денгиздан бир томчи, холос. Олдинда эса жой номларини тадқиқ қилиш мавзуида ғоят қизиқарли, айни пайтда заҳматталаб ишлар турибди. Қандай бўлишидан қатъий назар, «Сурхондарё вилояти топонимияси» монографияси жой номларини кашф этиш юзасидан қилинган дастлабки муҳим қадамлардан биридир.

МАРОСИМ

Пойтахтимизда 2008 йилнинг энг яхши маданият, санъат ва спорт намояндаларини шарафлашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда турли вазирлик ва идоралар, муассасалар, жамоат ташкилотлари вакиллари, санъат, спорт усталари, ижодкор ёшлар иштирок этди.

Санъат ва спорт фидойилари

Назокат УСМОНОВА,
Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбирлари

Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазири Р.Қурбонов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлодни жисмоний ва маънавий баркамол инсонлар этиб вояга етказишнинг муҳим шарти сифатида умрбоқий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш, миллий санъатимиз, маданиятимиз, спорт соҳасини янада ривожлантириш борасида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик ўз самараларини бераётганини алоҳида таъкидлади.

«Ёшлар йили» барча жабҳаларда бўлгани каби юртимиз маданияти ва санъати соҳасида ҳам самарали бўлди. Истеъдодли ёшларни аниқлаш ва қобилиятини рўёбга чиқаришга эътибор янада кучайди. Президентимизнинг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори бунинг далилидир. Мазкур ҳужжатга кўра мамлакатимиздаги мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда, ўқув жараёни тобора такомиллашмоқда.

Бу борадаги вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан бир қатор кўрик-танловлар, фестиваллар, концертлар, маданият ва санъат ҳафталиклари ўтказилди. Миллий чолғу асбоблари кўргазмаси, маданий меросни сақлаш масалаларига бағишланган халқаро анжуман, ёш режиссёрлар фестивали, ёш мусиқачиларнинг «Санъат ғунчалари» кўрик-танлови, «Наврўз садолари» халқ чолғулари фестивали сингари тадбирлар шулар жумласидандир.

2008 йил юртимиз спортида ҳам баракали йил бўлди. Нукус шаҳрида ўтказилган «Баркамол авлод» республика мусобақалари чинакам спорт, ёшлик, камолот, дўстлик байрамига айланди. Айни пайтда бир гуруҳ спортчиларимиз Осиё ва жаҳон чемпионатларида муваффақиятли иштирок этгани, Пекин шаҳрида бўлиб ўтган XXIX ёзги олимпиадада совринли ўринларни қўлга киритгани бунинг ёрқин далилидир.

2008 йил якунларига кўра Ўзбек миллий академик драма театри «2008 йилнинг энг яхши театр жамоаси», Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози Владимир Пятаев «Йилнинг энг яхши мураббийи», Ўзбекистон Давлат консерваторияси профессори Офелия Юсупова «Саҳнамиз фариштаси», «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси маданият ва санъат соҳасида энг фаол нодавлат ташкилоти, Абдулла Тангриев «Йилнинг энг иродали спортчиси», Артур Таймазов «Йилнинг энг ёрқин спорт юлдузи» номинациясида ғолиб бўлди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Озодбек Назарбеков «Йилнинг энг фаол эстрада хонандаси», футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси «Йилнинг энг яхши спорт жамоаси», Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Баҳрулло Лутфуллаев «Йилнинг энг фаол композитори», «Правда Востока» газетаси мухбири Ирина Рибар «Йилнинг энг яхши маданият ва санъат тарғиботчиси», Жиззах вилояти Зомин тумани маданият уйининг «Зомин сайқали» бадиий ҳаваскорлик ансамбли «Йилнинг энг фаол фольклор жамоаси», боксчи Хуршид Тожибоев «Олимпиада ўйинларининг умидли спортчиси», шахматчи Сирожиддин Зайниддинов «Йилнинг энг ёш чемпиони» номинациясида ғолиб деб топилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Акбарова сўзга чиқди.

ҚУЛАЙЛИК

Йўллар равон, манзил яқин

Расул КАМОЛ,
"Туркистон-пресс"

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб йўлсозлик соҳасида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Халқаро меъзонлар асосида барпо этилган, кенг ва равон йўллар одамлар узоғини яқин, оғирини енгил қилмоқда. Айни кунларда Тошкент-Ўш автомобиль йўлининг 216-274 қисмида фарғоналик йўлсозлар капитал реконструкция ишларини олиб бормоқда.

Илгари Фарғона ва Андижон вилоятларини пойтахт билан боғлайдиган халқаро йўл Қўқон шаҳри орқали ўтарди. Шаҳарнинг географик кенгайиши, аҳоли сонининг ўсиши ва транспорт қатновининг кўпайганлиги сабабли Қўқон айланма йўли кечаю-кундуз тирбанд эди. Буни ҳисобга олган мутасаддилар Фарғона вилоятининг Уч уй-Чағали оралиғида янги йўл қурилишини олиб бормоқда. Мазкур тармоқ фойдаланишга топширилса, водийнинг ҳар икки вилоятидан Тошкентга келиш йўли 18 километрга қисқаради ва Қўқон айланма йўлида қатнов ҳаракатлари меъёрлашади. Шу кунларда мазкур қурилишнинг иккинчи, 23,5 километрли босқичи якунланиш арафасида. Қурилиш ишларини Халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобил йўлларини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш, фойдаланиш давлат корхонаси олиб бормоқда.

–Белгиланган ишларни ўз вақтида бажариш ҳаракатидамиз, - дейди корхона директори ўринбосари Валижон Азимов. –Йўл қурилишининг иккинчи босқичи учун 21,5 миллиард сўм маблағ ажратилган. Трассада қурилиш ишлари асосан якунланди. Иккита кўприк ҳам тайёр. Асосий эътибор иккита кўприк ва уларни боғловчи оралиқдаги бунёдкорлик ишларига қаратилган.

Йўлсозлар ҳар томонлама сифатли, халқаро талаблар асосида йўл барпо этиш учун астойдил меҳнат қилишмоқда. "Фарғонакўприкқурилиштаъмирлаш" бошқармаси трассадан Бувайда туманига айланма йўл тушириш ишларини бажаришмоқда. Янги магистрал йўл бўйлаб 2 та кўприк қурилмоқда. Уларнинг бири шимолий Бағдод канали устидан ўтади.

Албатта, бу каби қурилиш ишлари юрт ободлиги ва маъмурлиги йўлида катта аҳамиятга эга. Эндиликда эса мазкур халқаро йўлда улкан ободончилик, турли сервиз ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари ҳам бунёд этилади.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

БИЗНИНГ ШАРҲ

Беҳбуд БОТИРОВ

Конституциясиз Иттифоқ

Европа ҳамжамияти нисбатан тушунарли ва шаффофроқ бўлган ҳужжатни 2009 йилда қабул қилишни мўлжалламоқда

Европа Иттифоқи 2009 йилги бошқарувни ягона расмий ҳужжат асосида бошлашга умид қилганди. Аммо ҳаракатлар ҳар доим ҳам хоҳишга тўғри келмас экан. 2007 йилда имзоланиб, Иттифоққа аъзо давлатлар муҳокамасига қўйилган Лиссабон шартномаси айрим мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий позициясига тўғри келмаётгани туфайли ратификация қилинмай турибди. Бу эса Иттифоқнинг интеграциялашуви, яхлит минтақа сифатида фаолият олиб боришга тўсқинлик қилмоқда.



Бундан аввал ЕИ давлатлари ягона Конституцияни қабул қилишга астойдил киришганди. Бироқ 2007 йилда Франция ва Нидерландиядаги референдум натижалари, яъни аҳолининг Конституция қабул қилинишига рад жавоб бериши Европани боши берк кўчага киритиб қўйди. Ҳаракатни давом эттириш учун ишдаги тартиб ва принципларни соддалаштириш, фаолиятни нисбатан тушунарли ва шаффофроқ қилишни тақозо этди. Шунда ўша йилнинг 13 декабрида 27 аъзо мамлакат етакчилари Конституция ўрнига ЕИнинг асосий қонунчилик меъёрларини белгиловчи янги Лиссабон шартномасини имзолашди ва бу ҳужжатни ратификация қилишга йўл очди. Шунга қарамай, ҳозирги кунда 250 бетлик шартномани қўллаб-қувватлаш хамирдан қил суғургандай осон кечаётгани йўқ. Унга 2008 йилда 24 давлат қониқарли жавоб берган бўлса-да, жараён Ирландия, Польша ва Чехияга келганда "тўхтаб" қолди.

Ҳар бир мамлакат мустақил давлат сифатида шаклланиши учун белгиланган расмий ҳужжатга эга бўлиши лозим. Дунёдаги ривожланган демократик давлатларда ҳеч бир фуқаро ўз ижтимоий-шахсий ҳаёти, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни Конституциясиз тасаввур этолмайди. Улар кундалик ҳаётида Конституция белгилаб берган қоида ва ҳуқуқларга тез-тез мурожаат қилади, унга ўзининг суянчи сифатида қарайди. Лиссабон шартномаси ҳам барбод бўлган Конституция лойиҳаси (2004 йил июнда имзоланган)нинг соддалаштирилган варианти, икки йиллик тажрибадан келиб чиқиб янгиланган шартномада томонлар "конституция" сўзини ишлатмасликка қарор қилишган. Бунинг ўрнига ҳужжатнинг ишчи номи "ислоҳотлар ҳақида шартнома" деб аталиб, ундаги ЕИ байроғи ва мадҳияси ҳақидаги барча жойлар олиб ташланди.

Лиссабон шартномаси деб ном олган янги шартнома 1992 йил Маастрихтда имзоланган ЕИ ҳақидаги келишув ҳамда 1957 йилда Римда имзоланган Европа ҳамдўстлигини ташкил этиш ҳақидаги келишувга ўзгартириш киритади. Европа мутахассисларининг фикрича, "Лиссабон"ни қабул қилишдан мақсад ЕИга аъзо давлатларнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини янада мустаҳкамлашдан иборат. Бошқача айтганда, бу ҳужжат Иттифоқнинг ривожлантиришга таянч вазифасини бажариши даркор.

Лиссабон шартномасини рад этганлардан бири бу – ирландияликлардир. 2008 йилнинг июнь ойида мамлакатда бўлиб ўтган референдум натижаларига кўра, аҳолининг 65 фоизи мазкур шартномани ратификация қилишга қарши овоз берганди. Орадан ярим йил ўтиб, ЕИнинг Брюсселда ўтказилган саммитида "Лиссабон"нинг кейинги тақдирини белгиловчи келишувга эришилди. Унга кўра, 2008 йил июнь ойида шартномани ратификация қилишдан бош тортган Ирланияда 2009 йилнинг сентябрь ёки октябрь ойларида такрорий референдум ўтказиладиган бўлди. Бунинг эвазига Ирландияга Европа комиссияда ўз "ирландиялик" еврокомиссарига эга бўлиш ҳуқуқи берилган.

Кузатувчилар фикрича, бу келишув бир томондан Лиссабон шартномаси қоидаларини бузади. Негаки, унда ЕИ ижрочи ҳукумати бош органида комиссарлар сонини чорак қисмга қисқартириш назарда тутилади. Бундан ташқари Ирландия бундан аввал махсус декларация қабул қилишни талаб қилиб, унда мамлакатнинг давлат дахлсизлиги ва абортларни таъқиқлаш каби қонунларнинг сақланиб қолишини кафолатлашни сўраган. Европалик дипломатлар сўзларига кўра, келишувнинг юридик жиҳатлари яқин орада расмийлаштирилади. Германия ички ишлар вазири В.Шойбленинг айтишича, "Европа бирлашувининг давом этиши қўллаб-қувватланади. "Албатта, Ирландиядаги натижаларга жиддий қарашимиз лозим. Лекин бир неча миллионлик Ирландия фуқаролари 495 миллионлик европаликлар номидан қарор қабул қила олмайди".

Кузатувчиларнинг таъкидлашича, айни пайтда ЕИнинг Ирландия билан якуний музокаралари анча муваффақиятли кечмоқда. Бунга қайсидир маънода молиявий инқироз ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Америка ипотека бозоридан бошланган иқтисодий турғунлик ҳозир Ирландияни ҳам чеклаб ўтаётгани йўқ. Бугунга келиб расмий Дублин жаҳон ҳамжамиятининг молиявий кўмакларига муҳтож бўлиб турибди. Бундан эса Европа Иттифоқи унумли фойдаланиши мумкин.

"Лиссабон" атрофида иккиланиб турган давлатлардан яна бири бу – Чехия. Бу ерда ратификация билан боғлиқ вазият анча жиддий. Мамлакат парламенти ҳозирча Лиссабон шартномасини кўриб чиқишга киришгани йўқ. Мамлакатнинг Конституцион суди Лиссабон шартномаси давлат Конституциясига тўғри келмаслигини айтган. Аммо мамлакат президенти Вацлав Клауснинг фикрича, парламент ва суднинг қароридан қатъий назар шартномага Ирландиядан кейин қўл қўйишини таъкидлаган. Чехия парламентига навбатдаги овоз бериш жараёни 2009 йил 3 февралда бўлиб ўтади. Мазкур шартномани имзоламаган учинчи давлат Польша саналади. Ҳужжат президентнинг имзосини кутиб турибди. Буюк Британия айни пайтда ЕИнинг виза иммиграция сиёсатига қўшилмаяпти. Янги келишувга кўра, ушбу мамлакатлар мазкур масалалар бўйича мустақил қарор қабул қилишаяпти. Бу масалада Польша ҳам Британияга эргашмоқда. Дания эса ички сиёсатнинг айрим соҳаларида ўз қоидалари бўйича ҳаракат қилишни давом эттирмоқда.



Умуман, юзага келган вазиятдан чиқиш йўли шартноманинг ўзида ҳам кўрсатилган. Яъни, унда бир вақтнинг ўзида 27 мамлакатнинг бир овоз билан маъқуллашини талаб қилувчи консенсус асосида эмас, "икки баробар кўп" овоз билан қарор қабул қилишнинг янги тизими назарда тутилган. Яъни, агар шартноманинг қабул қилинишини ЕИ мамлакатларининг камида 55 фоизи қўллаб-қувватласа, у қабул қилинган ҳисобланади. Айнан шу ҳолат Польшага маъқул келмаяпти. Негаки, Польша қарор қабул қилишнинг мазкур тизими Германияга ўхшаш йирик мамлакатлар таъсир доирасини кучайтириб, Польша каби аҳолиси кам мамлакатларнинг кучсизлантиришидан хавотирда. Шунингдек, қоидага кўра, исталган мамлакат ЕИ қарорига вето қўйиш ҳуқуқига эга эди. Янги тизим эса қарор қабул қилишга тўсқинлик қилувчи мамлакатлар сони тўртдан кўп бўлишини талаб этади.

Энг кўп талаблари қондирилган мамлакат бу Буюк Британия бўлди. Бу ерда амал қилувчи англосаксон ҳуқуқи шунга замин яратди. Шундай қилиб, у инсон ҳуқуқлари бўйича Европа Хартиясига қўшилмаслик (Польшадан ташқари ЕИга аъзо бошқа давлатлар уни имзолашган), мустақил равишда ташқи сиёсатни амалга ошириш ва солиқ ва меҳнат сиёсати соҳасида ўз меъёрларига амал қилиш ҳуқуқини олди. Шунингдек, Британия унга ёндош Ирландия иммиграция, виза сиёсати ва бошпана бериш масалаларида бошқарувни ўз қўлида қолдирди.

Жаҳон тажрибалари шуни кўрсатадики, мустақил демократик ҳуқуқий давлатнинг ташкил топиши ва ривожланишининг асосий шарти давлат ва жамиятнинг сиёсий қурилиш тизимини белгилайдиган, фуқароларнинг эркинликлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган Бош Қомусининг мавжудлигидир. Аҳоли сони қарийб ярим миллиардга етган Европа Иттифоқи ҳам айнан шу мақсадда жиддий ҳаракат қилмоқда ва бу ишни 2009 йилдаёқ ниҳоясига етказиш ҳаракатида. Кузатувчиларнинг фикрича, сайёрамизда ривожланаётган минтақаларнинг кўпайгани яхши. Аммо, дунё сиёсий харитасида пайдо бўлаётган янги йирик иттифоқ қайси шартлар асосида тузилади? Европа Иттифоқи фаолияти доирасида аъзо давлатларнинг ўзига хос роли қандай бўлади? Кўп ҳолларда ана шу саволлар очиқ қолмоқда.

- "Лиссабон шартномаси" иккита муҳим янги лавозимларни таъсис этишни назарда тутади. Булар 2,5 йилга сайланувчи ЕИ президенти ва ташқи сиёсат бўйича раҳбар.
- **2008 йил 27 декабрь ҳолатига кўра, шартномани ЕИ 27 давлатидан 24 таси ратификация қилган.**
- Иттифоққа 12 янги мамлакат қўшилгандан сўнг янги шартнома ишлари сезиларли равишда қийинлашган. Хусусан, тилчилар ЕИ доирасида деярли ҳар куни ўтказиладиган йиғилишларни қарийб 20 тилда таржима қилишларига тўғри келмоқда. Бу эса анчагина маблағни талаб этади, қолаверса, ҳисоботлар, хулосалар ва бошқа муҳим ҳужжатлар тегишли мутахассисларга ўз вақтида етиб бормаётгани ҳам кузатилмоқда.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Ҳарорат -13 градус

Португалияда бир кеча кундузда ҳаво ҳароратининг кескин тушиб кетиши оқибатида электр алоқаларида 2 мингдан ортиқ носозликлар кузатилган.



ИТАР-ТАСС хабарига кўра, аёзли кунларда аҳолининг электр энергиясидан нисбатан кўп фойдаланган алоқаларнинг бузилишига сабаб бўлган. Бундай ҳолатлар асосан Лиссабонда кузатилган. Пойтахтда кеча кечқурун ҳаво ҳарорати -1 градусдан тушмаган. Мамлакатнинг Пеньяш-Доурадаш қишлоғида эса пасайиш – 13,3 градусни ташкил этган. Ҳавонинг бу қадар совуб кетиши электр иситгич ускуналарига бўлган эҳтиёжни ошириб юборди.

Узоқ яшаш сири

Иккита жаҳон урушини кўрган фахрий 109 ёшида вафот этди.

Бу 1900 йил 23 сентябрда туғилган Буюк Британиялик Уильям Стоун эди. У 1918 йилда Қироллик ҳарбий-денгиз флотида, 1943 йилда Сицилиядаги жангларда иштирок этган. 1968 йилда эса нафақага чиққанди. Стоуннинг қизи Аннанинг айтишича, отасининг узоқ умр кўришининг асосий сабаби бу – виждонлилик, вазминлик ва Худога ишониш эди.

Эндиликда мамлакатда яна уч нафар британиялик фахрийлар қолди. Булар Биринчи жаҳон урушларида қатнашган 112 ёшни қарши олган Генри Эллингэм ва 110 ёшга кирган Гарри Патч Буюк Британияда яшамоқда, ҳар икки жаҳон урушини кўрган 107 ёшли Клод Шоле эса ҳозир Австралияда истиқомат қилмоқда.

Ноутбуклар олиб қўйилади

АҚШ божхона хизмати ноутбуклар ва ҳужжатларни ўрганиш учун олиб қўйиш ҳуқуқига эга бўлди.



Бундай текширувларни ўтказишдан мақсад терроризмга алоқадор шахсларни аниқлаш, гиёҳванд моддалар ва одам савдоси ҳамда муаллифлик ҳуқуқларининг бузилиши ҳақида ахборотларни аниқлашдан иборат. Эндиликда америкалик божхона назоратчилари чегарадан олиб ўтилаётган ҳар қандай одатий ҳужжатлар ёки электрон техникаларни уч ҳафтагача олиб қўйиш ҳуқуқига эга.

"USA Today" газетасида эълон қилинган мақолада ёзилишича, энг хавфли ўғирликлар ноутбуклар ёки бошқа электрон механизмларда содир этилмоқда.

Гуантанамо 20 январни кутади

Барак Обама энг аввало Гуантанамодаги ҳарбий қамоқхонани ёпмоқчи.

Россиянинг "Эхо Москва" радиосининг хабарига кўра, бу 20 январь кунги инаугурация маросимидан сўнг амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. Маҳбусларни тутқунликда ушлаб туриш керакми ёки йўқлигини аниқлаш учун ҳар бир ҳарбий асирнинг иши алоҳида кўриб чиқилади. Бошқа тарафдан қамоқдагиларни қаерда сақлаш ҳам муҳим масала бўлиб турибди. Португалия ташқи ишлар вазири Луиш Амадо унинг мамлакати ўз давлатига қайта олмайдиган Гуантанамодаги айрим маҳбусларни қабул қилишга тайёрлигини билдирган.

Хабарларга кўра, ҳозир Гуантанамо, маҳбусларини асосан, Афғонистон, Покистон ва Ироқ ҳудудларидан қўлга олинган қарийб 250 нафар ҳарбий асирлар ташкил этади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

РАНГИНДУНЁ

Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

"Эдем боғи" саккизинчи мўъжиза

Дунёдаги энг йирик оранжерея — "Эдем боғи" Англиянинг жанубий қисми — Атлантика океанида жойлашган Корнуолл графлиги таркибига киради. Корнуолл графлигининг диққатга сазовор жойи ҳам айнан "Эдем" ҳисобланади. Бу ер тахминан икки юз йил илгари қимматбаҳо тош ва металларнинг кони эди. Шунингдек, боғ тупроғидан чинни ишлаб чиқаришда ҳам фойдаланилган. XX аср охирларида кон ёпилганидан сўнг, "Эдем" Европанинг ўта ночор ҳудудларидан бирига айланиб қолади. Бир муддат ҳувиллаб қолган боғда ишсизлик ва рутубат ҳукм сурарди. Бироқ 1990 йилдан бошлаб Корнуолл графлигида ҳаёт секин-аста ўзгара бошлайди. Корнуоллик мусиқа продюсери Тим Смит бу ерда "Жаннатмакон боғ" барпо қилишга қарор қилади. Аслида ўша пайтда унинг бу фикрини ҳеч ким қўллаб-қувватламаган эди. Аммо вақт ўтиши билан Смит фантазияси ҳақиқатга айланиб улгурди. 1995 йили "Миллениум" дастурининг грантига сазовор бўлган Смит 25 000 фунт стерлинг билан "Эдем" лойиҳасига қўл урди. Салкам етмиш беш миллионга айланган лойиҳага машҳур меъмор Николас Гримшоу бошчилик қилади.

Лойиҳа муаллифининг айтишича, жаннатмакон боғ инсонларни нафақат чиройи билан ўзига мафтун айлайди балки боғни томоша қилгани келган ҳар бир одамни сайёрамизнинг гўзал табиатини асраб-авайлашга ҳам ундайди.

Шунингдек, "Эдем" боғини яратишда мутахассислар илмфан, техника ва замонавий меъморчилик санъати, юксак компьютер имкониятларидан унумли фойдаланишган. Боғнинг умумий майдони 2200 м² бўлиб, у етти йил ичида қуриб битказилди. 2001 йилнинг 17 мартидан бошлаб сайёҳларни ўз бағрига чорлаётган боғ ҳар йили икки миллиондан зиёд кишининг баҳри дилини очиб келади. Тўрт қуббадан иборат боғни қуриш учун тахминан 700 тонна металл ва 14 мингдан ортиқ металл мосламалар сарфланган. Баҳайбат бино асосан темир арматурадан қурилган бўлиб, томи полимер плёнка билан қопланган. Айтишларича, плёнка 25 йил беминнат хизмат қила оларкан Шу билан бирга плёнка ойнага нисбатан анча енгил ва ультрабинафша нурни яхши ўтказар эмиш.



Ташқаридан қараганда боғ қурилмаси улкан чувалчангни эслатади. У ерда асосан сунъий нам тропик, субтропик ва тропик иқлим ҳосил қилинган бўлиб дунёнинг турли бурчакларидан олиб келинган ўсимликлар парвариш қилинади. Табиийки, ҳавоси нам гўшада бу каби ўсимликларни яшаб кетиши қийин кечади. Шу боис, лойиҳа муаллифлари дунёнинг юздан ортиқ тажрибали биолог олимлари, олий тоифали мутахассисларни лойиҳага жалб қилишган. Ҳозирда тропик иқлимга мослашган ўн икки мингдан ортиқ ўсимлик Корнуолл графлигининг деярли барча аҳолиси томонидан парваришлаб келинмоқда.

2005 йилдан бошлаб "Эдем"да ўқув марказлари ташкил этилиб, ўқитувчи, рассом, актёр ҳамда менеджерлар жалб қилинган. Марказга кириш махсус майдончадан бошланиб, шох-шаббадан ясалган баҳайбат от ҳайкали ва бир қанча замонавий биодизайнлар инсонлар кўзига ташланади. Қолаверса сайёҳларга ўсимлик дунёсини асраб-авайлашни тарғиб қилувчи фильм-слайдлари ҳам намойиш этилади.

Бу ерга келаётган сайёҳлар "Эдем боғини"ни "Дунёнинг саккизинчи мўъжизаси" деб аташади.

Тўғри дунёда мўъжизалар кўп. Бироқ табиат учун ажратилгани саноқли. Табиат қасоскор бўлади. Шундай экан унинг сабрини кўпам синайвермай, муҳофаза қилишга, атроф-муҳит тозалигига риоя этиш лозим. "Эдем боғи" фақат дам олиш масканигина эмас. У энг аввало инсон ва табиат муносабатларида мувозанатни тиклаш, инсоният тақдири бизни ўраб турган тирик табиатга боғлиқлигини тарғиб қилишга қаратилганлигини эслатиб ўтмоқчимиз.

МЕНДА САВОЛ БОР!

Нега баррель?

Нефть кўпчилик давлатларнинг асосий табиий бойликларидан биридир. Аммо қора олтинни тоннада эмас, баррелда ўлчашади. Бунинг боиси нимада? Умуман баррель қандай ўлчов бирлиги?

Иззат РАСУЛОВ, Самарқанд шаҳри

Баррель - инглизча сўз бўлиб, "бочкача" деган маънони англатади. У узоқ вақт давомида денгизчиларнинг ўлчов бирлиги вазифасини бажарган. Маълумотларга кўра, мазкур бочкага камида 159 литр сув кетган. Танкер (суюқ ва ярим суюқ маҳсулотларни ташийдиган кема) бўлмагани боис нефтни бочкаларда ташишган. Шунинг учун уни баррелда ўлчашган.

Бугунги кунга келиб нефть заҳиралари тўғрисида гап кетганда, уларни тонналарда ифодалашади. Дунё нефть заҳиралари 176 млрд. тонна деб баҳоланмоқда. Бу айрим кузатувчиларнинг тахминлари натижасидир.

60 фоиз "заҳиралар" Яқин Шарқ ҳиссасига тўғри келмоқда. Нефть заҳираларининг деярли ярми (27 фоизи) Саудия Арабистони ҳудудида жойлашган. Нефть заҳиралари бўйича 2-ўринда Россия (12,5 фоиз), учинчи ўринда Ироқ (10,3), ундан кейин БАА - (10,1), Қувайт - (9,96), Эрон - (9,11), Мексика - (5,1), Ливия - (3), Нигерия - (2) туради. Шунингдек, Шимолий Америкада нефтнинг 8 фоизи, Лотин Америкада - (5,2), Осиёда (4,1 бу ўринда Хитой - 2,5). Европада (Россияни ҳисобга олмаганда) - 1,7 фоизи бор.

Бундан ташқари Шимолдаги денгиз шельфларида ҳали аниқланмаган нефть заҳиралари мавжуд. У ерда қанча нефть борлиги ҳеч кимга аён эмас. Шуни таъкидлаш керакки, сувнинг энергия сиғими нефтникидан анча юқоридир: 1 литр сувдаги энергия ҳажми 300 литр бензин қувватига тўғри келади.

МАДАНИЯТ ВА СПОРТ

ТАРИХ

Бухорои шарифнинг жанубида, Когон туманига борадиган йўл ёқасидаги улкан тепаликка кўзингиз тушган бўлса ажаб эмас. Маҳаллий аҳоли унинг номини Тали мурда партов деб атайди. Аммо ушбу тепалик узоқ мозийнинг сир-асрорларини ўз ичига олган қимматли тарихий маскан эканини кўпчилик билмаса керак.

Кичик қўрғон

тадқиқотчиларни кутмоқда

Маҳмуд ОРЗИЕВ,
БухДУ "Жаҳон тарихи ва тарихшунослик" кафедраси ўқитувчиси,
Маннон ОТАБОЙ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Эрамизга қадар II -I асрларда ташкил топган мазкур қўрғонда мелодий IV-X асрларгача ҳаёт гуллаб яшнаган. Қўрғоннинг асосий вазифаси Бухоро шаҳрининг жануб томонидан бўладиган ногоҳоний ҳужумлардан ҳимоя қилиш бўлиб, уни маҳаллий қишлоқ ҳокими бошқариб турган.

Қўрғон чегарада жойлашганлиги учун ҳам бу ер Қарши, Шаҳрисабз ва Хуросоннинг турли шаҳарларидан келган савдогарларнинг дастлабки кўноқ манзилига айланган. Шу боис қўрғонда тижорат, савдо-сотиқ ишлари, ҳунармандчилик жадал тараққий топган.

Икки гектар майдонга эга қўрғон ҳудуди қалин девор билан ўраб олинган. Девор дев ғиштлардан маълум бир баландликда кўтарилгач иш тўхтатиб қўйилган. Яъни иншоотнинг лой ва ғиштлари обдон қуритилгандан кейингина бу юмушлар яна давом эттирилган. Натижада деворлар пишиқ ва мустаҳкам бўлишига эришилган. Қўрғоннинг ғарбида деҳқонлар яшайдиган Арк қисми жойлашган бўлиб, ушбу майдонда қабул маросимлари ҳам уюштириб турилган. Жанубишарқий қисмида эса отхона ва соқчи аскарлар яшайдиган хоналар бўлган.

X-XI асрларда Самонийлар давлати марказлашувидан сўнг, амирнинг ички феодал урушларга барҳам бериши туфайли қўрғон аввалги мавқеини йўқотади ва аҳоли бу ерни ташлаб, шаҳар ичкарисига кета бошлайди. Кейинчалик қўрғон устини маҳаллий аҳоли қабристонга айлантиради. Негаки ўша пайтда суғорма деҳқончиликка асосланган Бухоро аҳолиси учун пастки ерлар ниҳоятда қадрли, марҳумларни дафн этиш учун эса мазкур тепалик бирмунча қулай эди.

1981-1982 йилларда академик А.Муҳаммаджонов томонидан қўрғонда қазишма ишлари бошланганди. Ушбу илмий изланишларнинг давоми сифатида факультет талабалари амалиёт дарсларида тарихий ёдгорликни тадқиқ этмоқдалар. Яқинда ўтказилган археологик қазиш ишларидан сўнг бу ердан турли ҳажмдаги бешта қозон, оташчоқлар топилди. Шунингдек, қўрғон аҳолиси маданий ҳаёти, урф-одатларидан дарак берувчи қимматли манбалар ҳам аниқланди.

Айтиш жоизки, мазкур қўрғон археологик жиҳатдан ҳали тўла тадқиқ этилмаган. Биз миллий қадриятларимизни қайта тиклаётган эканмиз бундай тарихий манбаларни чуқур ўрганмоғимиз шарт. Уни ўрганиш юртимиз, айниқса қадимий Бухоронинг илк ўрта асрлар тарихи манзараларини ёркинроқ тасаввур этишимизда муҳим аҳамиятга эга.

СПОРТ

Тилла боланинг "қайтиши"

у кескин мағлубиятлар домида қолди

Одилжон КАРИМОВ



Бокс тарихига назар ташлайдиган бўлсак, қанчадан-қанча чарм қўлқоп усталари ўтганлигига гувоҳ бўламиз. Эътибор берсак, ҳар бир боксчи фаолияти давомида ёрқин ғалабаларга эришган. "Классик" услубда жанг олиб борувчи довруғи дунёга достон боксчилардан бири Оскар Де Ла Хойя ҳам бундан мустасно эмас.

Бокс ишқибозларига "Тилла бола" лақаби билан танилган Де Ла Хойя 1973 йилнинг 4 февралида Монтебелло шаҳрида мексикалик муҳожирлар оиласида дунёга келди. Отаси ҳамда бобосининг боксга бўлган қизиқиши сабаб Оскар ёшлигиданоқ бокс мактабига қатнай бошлади. Ундаги тинимсиз интилиш тез орада ўз самарасини берди. 1989 йили ўтказилган "Олтин қўлқоп" халқаро турнирида илк бор ғалабага эришди.

Ҳаваскор боксда улкан ютуқларни қўлга киритган Оскар тез орада промоутерлар назарига тушди ва унда профессионал боксда иштирок этиш имкони туғилди. Оскарнинг илк жанги 1992 йил ноябрь ойида америкалик Уильмс Ламарага қарши ўтказилиб, дастлабки раунднинг ўзидаёқ у рақибини нокаутга учратди. Профессионал боксдаги биринчи чемпионлик камарига эса 1994 йил WBO йўналиши бўйича биринчи енгил вазн тоифасида даниялик Жими Бределани нокаутга учратгач эришди.

Шундан сўнг "Тилла болада"да барча йўналишлар камарини қўлга киритиш истаги пайдо бўлади. Кетма-кет уч йўналиш бўйича чемпион бўлган. Де Ла Хойя энди ярим ўрта вазн бўйича WBC чемпиони Пернелла Уитакерни ҳам "ер тишлатди". Оскар мазкур йўналишда ўз камарини 7 маротаба омадли ҳимоя қилди. 1999 йили у IBF чемпиони пуэрториколик машҳур боксчи Феликс Тринидадга мағлуб бўлибгина қолмай, барча камарларини ҳам бой бериб қўйди.

2004 йилга келиб ўтмишдаги ғалабаларини қайтариш ниятида Оскар IBC, WBC, WBA йўналишларида жаҳон чемпиони Бернард Хопкинс билан ўрта вазнда мутлақ чемпионлик учун рингга кўтарилди. Бироқ, жангнинг 9-раундига келиб Хопкинснинг кетма-кет йўллаган кучли зарбаларидан сўнг Оскар рингни муддатидан аввал тарк этишга мажбур бўлди.

"Тилла бола"нинг кейинги жанги роппа-роса бир йилдан сўнг, Лас Вегасда кичик Флойд Мейвезерга қарши кечди. Баҳснинг 12-раунди асабий тарзда давом этишига қарамай жанг ғолиби деб Флойд Мейвезер топилди. Мазкур жангда барча Оскарнинг устунлигига гувоҳ бўлганди. Лекин, ҳакамларнинг кутилмаган қарори бунинг аксини кўрсатди.

Бироз вақт ўтгач, енгил вазндаги мутлақ жаҳон чемпиони, филиппинлик Манни Пакьяо Де Ла Хойя учун муносиб рақиб эканини исботлай олди. Баҳснинг 8-раундида Оскар юзидаги чуқур жароҳат сабаб жангни ниҳоясига етказа олмади. "Тилла бола"нинг галдаги мағлубияти шу тариқа якун топди.

ЎГИТ

Кечира олишлик — мардлик, кечира билмаслик номардлик саналади

* * *

Адлу эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади

БИЛАСИЗМИ?

Қувват, магнитуда ёхуд ер силкинишининг кучи Рихтер шкаласи бўйича ўлчанади. Магнитуда кўрсаткичи атиги бир поғонага ошса, ер силкинишининг кучи 10 мартага ортади. Масалан, Рихтер шкаласи бўйича юз берган 7 балли зилзила кучи 1 млн. тонна портловчи қурол қувватига тенг келади.

* * *

Сергей Рахманинов 18 ёшида консерваториянинг фортепиано, бир йилдан сўнг эса композиция бўлимини тамомлаган. Бастакор ўзининг диплом иши сифатида "Алеко" операсини топширган.

* * *

1832 йили инглиз математиги Чарльз Баббеж дастурлаш ёрдамида математик амалларни бажаришга уринади. Бироқ, унинг уринишлари айрим техник сабабларга кўра охирига етмай қолади. 1991 йилнинг июнида Лондон илм-фан музейида бу лойиҳа ва ниҳоят амалга ошади.

ТУРФА ОЛАМ

Яна Ла-Нинья пайдо бўлди

Олимлар Тинч океанида Ла-Нинья номли табиат ҳодисаси ҳосил бўлганини аниқлашди.



Маълум бўлишича, 2008 йилда ҳароратнинг юқори бўлишига айнан шу ҳодиса сабаб бўлган. Қолаверса, Ла-Нинья туфайли Тинч океанининг марказий қисмида совуқ оқимли сувлар тўпланиши кузатилган. Олимларнинг фикрича, совуқ оқимли сувларнинг тўпланиши турли-туман иқлимий ўзгаришларга олиб келиши мумкин. Сўнгги текширувлардан маълум бўлишича, яқин ойлар ичида Индонезия ҳудудида кучли ёғингарчиликлар, АҚШнинг жанубий-ғарбида эса сув тошқинлари рўй бериш эҳтимоли бор. Сал илгарироқ, Тинч океанининг марказий қисмидаги сувлари илий (яъни, болтурги Ла-Ниньянинг таъсир кучи нисбатан камаяётган эди) бошлаганди. Бироқ, кутилмаганда вазият кескин даражада ўзгариб, Ла-Ниньянинг таъсири янада кучайган. Эл-Ниньо ва Ла-Нинья асосан денгиз сувларининг юза қисмида ҳосил бўлган ўзгарувчан ҳарорат туфайли кучга киради. Бундай пайтда ҳарорат цельсий бўйича 0,5 даражадан ошиб кетиши кузатилади. Қачонки ҳарорат ана шу ўлчам бўйича кўтарилса бу ҳолат Эл-Ниньо, пасая бошласа - Ла-Нинья деб аталади.

Дунёдаги энг узун кўприк

Хитой ҳукумати дунёдаги энг узун кўприк қурилиши учун 730 млн. доллар ажратди.



Айтишларича, мазкур кўприк Гонконг, Макао ва Чжунцзян дарёси бўйидаги районларни бир-бири билан боғлаб тураркан. Режага кўра, кўприк қурилиши жорий йилда бошланиши керак. Мутахассисларнинг гапига қараганда, кўприкнинг узунлиги 29 километргача чўзилади. Қолаверса, ана шу кўприк билан бирга Хитойда янги автомобиль ва темир йўллар, аэропорт ва вокзаллар қурилиши ҳам бошлаб юбориларкан. Ана шу мақсад йўлида ўтган йили ҳукумат 4 триллион юань ажратган эди. Маълумотларга кўра, сўнгги икки йил ичида Хитой кенг кўламли қурилишлар учун 65 млрд. доллар сарфлаши кутилмоқда.

"Ҳайбатли йўллар"нинг сири нимада?

Инсоният учун бугунги кунгача жумбоқ бўлиб келган Ирландиядаги "Ҳайбатли йўллар"нинг сири Торонто университети тадқиқотчилари томонидан фош этилди.



Олтибурчакли антиқа тош йўллар қотиб қолган лава эвазига ҳосил бўлгани кўпчиликка яхши маълум. Бироқ, шунга ўхшаш тошларни дунёнинг турли бурчакларида ҳам учратиш мумкин. Канадалик олимлар масалага ойдинлик киритиш мақсадида олтибурчакли тошлар устида тадқиқот олиб боришди. Улар дунёнинг турли бурчакларидан олиб келинган кўпқиррали тошларни синчиклаб ўргангач, бу тошлар ҳақиқатдан ҳам лаваларнинг қотиши туфайли ҳосил бўлганига амин бўлишди. Тадқиқотчиларнинг хулосасига кўра, лавалар қанчалик секин совиса, олтибурчакли устунлар ниҳоятда ҳайбатли ҳолга келаркан.

З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмасининг "Йилнинг энг фаол журналисти – 2008" танловига марҳамат!

Азиз ҳамкасблар! Ўзбекистонда Ёшлар йили деб номланган 2008 йил ҳам тарихга айланди. Ўтган йили мамлакатимизни изчил тараққий эттириш ва модернизация қилиш, бошланган ислоҳот ва ўзгаришларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, иқтисодиётни босқичма-босқич ривожлантириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш, жамиятимизни демократлаштириш ва янгилаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш йўлида жуда катта бунёдкорлик ва хайрия ишлари амалга оширилди.

Халқимиз эришаётган бу ютуқларни, унинг ўй-мақсадларини кенг ёритишда оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган сиз, журналистларнинг хизматларингиз катта.

Азиз ҳамкасблар, сизларни "Йилнинг энг фаол журналисти – 2008" танловида қатнашишга таклиф этамиз. Танловга 2008 йилнинг июнидан 2009 йилнинг июнигача газета ва журналларда, интернет нашрларида эълон қилинган материаллар, эфирга узатилган телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар жорий йилнинг 1 июнигача қабул қилинади.

Материаллар таҳририят тавсияси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимлари орқали тақдим этилади.

Ижодий ишлар намуналари билан бирга муаллифнинг иш жойи, телефони, манзили ҳақидаги маълумотлар ва паспорт нусхаси илова қилиниши керак.

"Йилнинг энг фаол журналисти – 2008" танлови ғолиблари ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишлаб 27 июнда ўтказиладиган байрам тадбирида топширилади. Тақдирланганлар рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Материаллар қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси 3-қават, 30-, 35-, 37-хоналар Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87. E-mail: ijod@sarkor.uz www.Journalist.uz

«Матбуот тарқатувчи» Акциядорлик компанияси

2009 йил учун газеталар, журналлар ва китобларга обуна давом этаётганлигини маълум қилади.



Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислоҳотлар ва юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, Ватанимиз маънавий-маданий ҳаётидаги янгиланишлар ва воқеалар, хорижий мамлакатлар ҳаёти билан яқиндан ва мунтазам танишиб бораман десангиз вақтли матбуот нашрларига обуна бўлинг!

Обуна «Матбуот тарқатувчи» АК ва «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг барча бўлимларида чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Маълумот учун қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкентда: 233-67-71, 233-67-98

Компания тизимидаги жамиятларнинг телефонлари:

ҚР Нукус (3612) 22-88-68
Андижон (3742) 22-29-89
Бухоро (3652) 25-47-49
Жиззах (3722) 22-40-01
Қашқадарё (3752) 25-40-27
Навоий (4362) 23-26-86
Наманган (3692) 26-29-80
Самарқанд (3662) 34-22-53
Сирдарё (3672) 25-47-70
Сурхондарё (3762) 27-49-03
Тошкент вил. (3712) 233-13-04
Фарғона (3732) 24-29-22
Хоразм (3622) 26-63-75
Компания бўлими 234-85-99

VATAN TUYG'USIDAN HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ:
«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ражаб ЖУМАНИЁЗОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир:
Жалолиддин САФОЕВ

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи-назаридан фарқланиши мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун таҳририят жавобгарликни ўз бўйнига олмайди.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г-24, Адади — 5600

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 234-87-74, 234-87-73, 234-86-41 ФАКС: (8-371) 234-69-55, 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи:
Акбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир:
Исмат ХУДОЁРОВ
Навбатчи:
Фароғат НИЗАМОВА

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.40.

7